Ҳисоблар шуни кўрсатадики, 1 метр девор учун ғўзапоя новдасини майдалаб қўшилиб тайёрланган В 1,5 классли арболит бетондан 120 минг м<sup>3</sup> деворбоп блоklar учун 1 йилда 32-37 АҚШ долларини ташкил этади. Арболит билан ғиштни солиштирганда, экологик атмосферани, муҳитни яхшилади ва унга миқ қоқса ҳам бўлади, ёнувчан эмас, мустаҳкам, нархи арзон.

Ғўзапоя новдасида ҳар хил эрийдиган моддалар бўлиб, цементга агрессив таъсир қилади. Юқорида келтирилган барча қийинчиликларни ечим бор. Ҳар йили минимум 15-20 миллион кубометр арболит блоklarининг қишлоқ хўжалик биноларини деворлари, пол учун плиталар ва пардадеворларни ишлаб чиқариш учун ҳозирда имкониятлар мавжуд [9].

Арболит блоklари ғўзапоя новдалари асосида ва минерал боғловчи моддалар унча катта



1-расм

бўлмаган ҳажмий массани ташкил этади ҳамда товуш ютиш хоссасига ва кам иссиқлик ўтказиш хоссасига эга. Бундай тайёрланган блоклар ДТС лари талабларига жавоб беради Ғўзапоядан фойдаланиб, минерал боғловчи ва ҳар хил кўшимчалар қўшиб тайёрланган аралашмани қаватлараро ёпма плиталар, девор панелларида иссиқлик изоляцияси қатлами ҳосил қилувчи материал сифатида ишлатиш мумкин.

Ғўзапоядан бундан ташқари бошқа маҳсулотлар ҳам тайёрланиши, бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Ўтказилган таҳлил бўйича ғўзапоя йиғиштиришдаги техник иқтисодий эффекти ва арболит тайёрлаш технологияси учун 1 тонна ғўзапоя новдасини омборга 10-12 км масофадан олиб келиш 5,89 минг сўмни ташкил қилади.

У ҳолда 1 м<sup>3</sup> арболит панели таннархи корхонанинг қуввати 10-20 минг м<sup>3</sup> дан иборат бўлса, 1 йилда 18,5- 19,3 минг сўмни ташкил этади. Шунинг учун шу материалдан 1 м<sup>3</sup> деворга 7-7,5 минг сўм сарф бўлади. Солиштириганда йиллик эффект ячейкали бетонлардан тайёрланган панеллар ишлаб чиқариш ва ишлатишда яқин 133 минг сўмни ташкил этади.

Илмий изланиш институтларининг маълумотлари бўйича саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан 1 млн м<sup>3</sup> қийин топиладиган ғовак тўлдирувчиларни тежайди. 100 минг тонна иссиқлик 0,5 млн м<sup>3</sup> ёғочни сарфини қисқартиради. Ғўзапояни қайта ишлаш тайёрлаш, олиб келиш, сақлаш учун махсус машиналар ташкил қилинади. Тошкент политехника институти “Машина деталлари” кафедрасида ғўзапоя ва унинг илдизини майдалаш учун махсус машина ишлаб чиқилган.

Навоийдаги ТАШПИ ни филиалида эса дала усулида ўзи юрар машинада нафақат ғўзапоя новдаси ва илдизини майдалаш, хаттоки бир вақтнинг ўзида машинага ортишни тажриба қилинмоқда. Бу тажрибани ишлаб чиқариш шароитида кенг ёйиш ва кўллаш керак. Арболит блокларни тайёрлаш технологиясини кенг ёйиш учун ёки иссиқлик изоляцияли плиталар учун тайёрланган хом ашёни прессловчи механизациясини тадқиқ этиш лозим.

Горизонтал ҳолатда пресслаш, зичлаш прессларидан фойдаланилади. Бу механизмга керак бўладиган бошқа технологик операциялардан:

Ғўзапоя новдаларини тўплаш, қирқиш, майдалаш ва уларни фракцияларга ажратиш керак бўлади.

Асосий масала хом ашёни тайёрлаб олишдан иборат. ТашПИдаги “Қурилиш материаллари” кафедрасида ғўзапоядан фойдаланиб, арболит блокларидан товушни ва иссиқликни ҳимояловчи плиталар ишлаб чиқиш борасида ҳам олинган тажрибалар давом эттирилмоқда. Қурилиш материали сифатида ғўзапоя асосан минерал боғловчи сифатида ҳам ўрганилган. Бироқ бу материалнинг узокқа чидамлилиги тўғрисида илмий асосга чидамлилиги илмий асосланмаган. Ғўзапоя новдасини майдалаб қайси кўшимчалар қўшилганда ва цементни аралаштириганда қоришма структурасининг зичлашиши натижасида ҳосил бўлган цемент маркаси фойдалилиги аниқ эмас.

Қурилиш материаллари ва конструкциялари ўрганувчи ва илмий институтларининг режасида бу муаммони комплекс ўрганиш учун мавзу йўқ. Хўжалик иншоотларини ва яшайдиган бинолар қурилишида, маданий ва маиший бинолар қишлоқ аҳоли яшайдиган жойларида қуриш учун қурилиш материалларига талаб катта. Шунинг учун илмий асослангандагина ишлаб чиқиш учун кўпроқ фойда берадиган материалларни ишлаб чиқариш зарур.

Масалан минерал боғловчилар асосида тайёрланган пардадевор плиталари полимер материалларни чуқур ва вақти-вақти билан шимдирилган, куруқ сувоклар, плиталарни ёпиштириш, рангли плёнкалар билан ишланган ва полни ёпиш учун плиталарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишликдир [ 9].



2-расм.

Хулоса қилиб айтганда, илмий изланиш олиб бориладиган лабораторияларда муаммоли ва мақсадли йўналиши ғўзапоя асосида эффект берадиган қурилиш материали ишлаб чиқишдир. Ғўзапоя - Ўрта Осиё Республикаларида қурилиш материаллини ишлаб чиқаришда хом ашё ҳисобланади. Ундан товуш ўтказмайдиган, иссиқлик изоляцияси материали, конструктив ва минерал боғловчи моддалар асосида сувоқ материалларида қўллаш ва ишлатиш мумкин.

Республикамизда пахта териб олинганидан сўнг, ҳар йили 6-7 миллион тонна ғўзапоя даланинг ўзида қолиб кетмоқда. Қишлоқ аҳолиси бунинг бир қисмини иситиш ва овқат тайёрлаш учун ишлатмоқдалар, қолгани эса даланинг ўзида қолиб кетмоқда. Нима учун қурилиш индустриясида энг арзон хом ашё бўлган ғўзапоядан фойдаланмаяпти? Бунинг сабабларидан бири — ғўзапояни қурилишда ишлатиш борасида бирор бир қўлланма йўқ.

Енгил бетонларни ва акустик товуш ўтказмайдиган, иссиқлик ҳимояловчи тайёрлашда ҳар хил кўринишдаги цемент ва сувоқ шишани қўшиш орқали ғўзапоянинг тўлдирувчи сифатида ишлатиш мумкин.

Ғўзапоянинг дағал толаси энг юқори фоизни ташкил этади. Уларни қайта ишлаш технологик қийинчиликларни юзага келтиради. Ғўзапояни қурилиш материали сифатида ишлатиш асосий факторлардан бири ҳисобланади.

### Адабиётлар

- [1] Арболит, Производства и применение., М., Стройиздат.,1997., ст.347.
- [2] Абраменко Н.И., Поризованный цементный арболит на древесных заполнителях. Автореф. дис. канд. техн. наук./Абраменко Н.И., Науч.исслед.институт. Бетона и железобетона. М., 1980., ст.18.
- [3] Александровский С.В.,О влиянии длительного действия внешней нагрузки на режим высыхания и усадку бетона./ Александровский С.В., // труды НИИЖБ., Вып.4.,1959.,ст.158-165.
- [4] Климено М.И., Арболит и его применение., Саратов., изд-во Сарат.унив.,1976.,ст.16.
- [5] Батырбаев Г.А.,Параметры изготовления и эффективность арболита на дробленных стеблях ., /Батырбаев Г.А., // Бетон и железобетон.,1997.,№ 7.,ист.28-29.
- [6] Касимов И.К.,ст.Забывтая гуза-пая / Правда Востока., 1984.,23 ноябр., .4.
- [7] Акчабаев А.А.,Тусубеков Ж.Т.,Данияров К.К.,Технологическая линия для изготовления изделий из бетонной смеси с органическим заполнителем растительного происхождения.,Открытая изобретения.,1974., № 33.
- [8] ВНТП 01-82., Временные нормы технологического проектирования предприятий арболитовых изделий., М.,1982.,ст.125.
- [9] Минас Л.И., Минас А.И., Наназашвили И.Х., Специфические свойства арболита., / Бетон и железобетон.,1991., № 5.. ст.125.
- [10] Касимов И.К.,Тулаганов А.А, Абдукамилов Ш.Т., Особенности получения арболите на основе гузапаи., Бетон и железобетон., 1991., № 5.,ст. 20-22.

УДК 631.459

### НАМАНГАН АДирЛАРИДА ЖАРЛАНИШ ЖАРАЁНИГА ЖОЙНИНГ ИҚЛИМИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИНГ ТАЪСИРИ

А. Дадахўжаев, М. Мамаджонов, Ж. Эшонжонов

*Наманган муҳандислик-педагогика институти  
(Қабул қилинди 11.12.2014 й.)*

*Наманган адирларида жарланиш жараёнининг содир бўлишида асосий омиллар жойнинг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг жарланишига таъсири катта аҳамиятга эга эканлигидир. Бу жараён 1990-2014 йиллардаги олиб борилган илмий изланишлар атрофлича ўрганилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган..*

**Таянч сўзлар:** *Наманган адирлари, жарланиш жараёни, тупроқ эрозияси, ёгин, эрозион кўрсаткичи (ЭК), йиллик ёгин миқдори, тупроқни ўсимлик билан ҳимоялаш, қоплаши, маданий ва ёввойи ўсимликлар, яйлов, эфимерлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, дала сичқони, бўз тупроқлар зонаси.*

В оврагообразовании Наманганских адыров большое значение имеют факторы климата, растительного и животного мира, особенности местности Ферганской долины. В результате изучения этих факторов учеными получены данные на основании которых предложены рекомендации по использованию и освоению оврагов.

**Ключевые слова:** Наманганские адыры, появление овраг, эрозии почв, осадки, эрозионные показания (ЭПб), годовая осадка дождей, защита земли с растением, культурные и дикие растения, выгон, эфемеры, мир животных и растений, полевая мышь, зона сереземных почв.

*In the formation of gullies (adyrs) in Namangan province such factors as climate, flora and fauna landscape characteristics of Fergana Valley have great importance. As a result of researches new data has been obtained and necessary recommendations has also been given on gullies usage and exploration.*

**Keywords:** Namangan gullies(adyrs), gullie's formation ,soil erosion, rain, snow, erosion data, (ED) plant covering, annualdraft rain, protection of the ground with plants,cultural and wild plants,pasture, ephemerus, world of animals and plants, field mouse, soil area..

Наманган адирлари иклими Ўрта Осиё-турон тупроқ-иклими провинциясига кирган ҳолда, Евроосиё материгининг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, у океан ва денгизлар иклимидан йироқ, кескин континентал, курук, субтропик иқлимга эга. Кунлик ва йиллик ҳаво температурасининг амплитудаси, ёгин-сочинлар миқдори ва унинг интенсивлиги кескин фарқ қилади [1].

Жойнинг иқлим шароитларини жарланиш жараёнига таъсири жуда кўп илмий изланишларда ўз аксини топган. Улар қуйидаги хулосага келишган, иқлим кўрсаткичларидан фақат ёгин-сочинларгина вақтинча оқар сувларни концентрациялашувига тўғридан-тўғри, қолган кўрсаткичлар эса (ҳаво температураси ва намлиги) билвосита таъсир кўрсатади. Жала ёмғирлар тупроқ юзасига урилиб, унинг хусусиятларини ёмонлаштиради ва тупроқ заррачаларини оқизиб кетади. Бу жараёнлар бўз тупроқли зоналарда яққол сезилади [2].

Жарланиш жараёнида жала ёмғирларининг бевосита ерларни емириш қобилияти тупроқ қатламини (0-10 см) намланиш даражасига боғлиқдир. Март-апрель ойларида нам билан тўйинган тупроқни ювилиш даражаси жуда юқори бўлар экан.

Америкалик олимлар В. Уишмейер, Ж. Смит жала ёмғирларни емирилиш жараёнларига таъсирини миқдорий жиҳатларини аниқлаш учун 30 йил давомида дала шароитида изланишлар олиб бордилар. Натижада, улар ёмғир тупроқни емириш кучи унинг кинетик тушиш кучи ва максимал ёғиш тезлигининг вақт бирлигидаги кўрсаткичлари билан боғлиқлигини исботлаб бердилар. Бу кўрсаткични улар ёмғирларнинг эрозион кўрсаткичлари (ЭК) деб атадилар. ЭК текшириш йўли билан МДУ тупроқ эрозияси ва ўзанлар жараёнлари лабораториясининг методик кўрсатмалари асосида Наманган адирлари худуди учун Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли тупроқшунослик ва агрохимия илмий текшириш институти тупроқ эрозияси бўлимида ҳисоблаб чиқилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, Наманган адирларининг тўқ тусли бўз тупроқлар минтақасига кирувчи шимолий худудлар учун йиллик ЭК  $>3$  бўлмаган ҳолда, ҳар бир жала ёмғирларнинг максимал даражаси 7,4 га тенгдир. Жанубий типик ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасида ЭК  $<3$ , максимал миқдори 6,6 атрофидадир. Ёмғирларни ёғиш хусусиятларидан яна бири, улар тоғли минтақаларга томон, ғарбдан шарққа томон орта боришидир. Хавфлилик даражаси бўйича Наманган адирлари йиллик кўрсаткичлари кам хавфли ( $<4$ ) майдонларга киради. Бу деган сўз, жарланиш жараёнларини келтириб чиқарувчи ёмғирлар доимий равишда ёғмасдан, балки айрим кучли жалалар ёки аномалиядаги кўп ёмғирли йилларга тўғри келар экан.


Ёмғирларнинг 35-40 % и баҳор ойларига тўғри келиб, уларнинг йиллик миқдори 180-300 мм. гачадир. Тоғ олди адирликларда 300-400 мм атрофида. Шунинг учун ҳам эрозион нуқтаи назардан қараганда баҳорги ёгин-сочинлар жуда хавфлидир. Тупроқнинг ювилиш ва емирилиш жараёнига таъсир этувчи кўрсаткичлардан яна бири –қор қопламали (йиллик ўртача қалинлиги) ва унинг эриш даражасидир (Аҳмедов, 1994).

Наманган адирларида қиш мавсумларида қор қопламанинг ўртача қалинлиги 10-15 см дан ошмайди ва 17-40 кунгача сақланиб туриши мумкин холос. Шунинг учун бўлса керак, улар эриган вақтда кучли концентрациялашган оқим кучини ҳосил қилмайди ва айтарли даражада емирилиш ювиш қобилиятига эга эмас [2].

Адирларда жарланиш жараёнига, тупрокни эрозиядан сақлаш қобилиятини кучайтирувчи ягона омиллардан бири бу ўсимлик дунёсидир. Ўсимлик, унинг табиий ёки маданий турлари бўлсин, ўзининг ер юзасини қоплаб турувчи вегетатив органлари, илдиз тизимларини тупроқда тарқалиши билан ҳам тупрокни ёмғир ёғиши ёки экинларни суғорилаётганда юзага келаётган оқимга қарши туришини оширади [1].

Табиий ўсимликларни тарқалиш қонуниятлари изланиш жойининг тупроқ ва гидротермик режими ўлчанади. Бу ерда ўсадиган ўсимликлар асосан қурғоқ иқлим шароитига мослашган эфимер ва эфимерейдлар оиласига мансуб табиий ўсимликлардан иборат. Шулар қатори тупроқ турларига қараб адирларнинг шимолий қисмларида ва пастқам жойларда кўға, шунғул ва қамишлар ўсади. Буларни тупроқни ҳимоя қилиш даражасига кўра 2 гуруҳга бўлинади: ўрта, қониқарсиз адирлар ўсимлиги ва қониқарсиз пастқам ва шимолий ён бағирлардаги ўсимликлар.

М.Н. Заславский фикрига кўшилган ҳолда, табиий иқлим шароитида эрозияга қарши туришини ёмғир ёғишдан ажралган ҳолда баҳолаш тўғри келмайди деб ўйлаймиз. Чунки ер юзасига тушган ёмғир ўсимлик билан ҳимояланган бўлса, бир неча баробарга сувни қобилиятини камайитириши ва ҳаттоки тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин. Шундай экан, тупрокни ўсимлик билан ҳимояланиш ( $T_x$ ) даражасини кучли ёмғир ёғишидаги ЭК 20 минутлик максимал даражасини тупроқ юзасидаги ўсимлик қопламига ( $\check{Y}_k$ ) бўлган нисбати билан аниқладик.  $T_x = \check{Y}_k : ЭК_{20}$ . Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики (1-расм), пахта сингари ораси чопиқ қилинадиган маданий ўсимлик тури кучли эрозион ёғинлар пайтида (бахор ва кеч куз ойлари) тупроқни юзасини қоплаш даражаси  $T_x = 2-3$  кўрсаткичлар орасида бўлса, беда ва табиий ўсимликлар қоплами 29-23 атрофидадир. Бу деган сўз пахтага нисбатан беда 12-15 баробар, яйловлардаги ўтлар 7-10 баробар тупроқни эрозиядан сақлаш қобилиятига эга. Албатта, яйлов сифатида бир меъёрда мол боқилган ерларни олган эдик. Агарда молни ҳайдаш гектарига 107 дона/га дан ошиб кетса, бу кўрсаткич 4-5 баробарга тушиб кетади.



1-расм. Наманган адирларида ҳайвонот оламнинг жарланиш жараёнига таъсири.

Шундай қилиб, яйловларда молни ҳайдаш нормасини ушлаб туриш ва суғориладиган ерларда кўп йиллик ўтларни экиш жарланиш жараёнини олдини олишдаги асосий мелиоратив чоралардан бўлиб қолмоғи мумкин.

Ҳайвонот олами жарланиш жараёнига таъсири Тошкент вилояти тупроқларида ўрнатилган бўлиб, асосан ёмғир чувалчанги ва кўрсичқон мисолида кўрилган. Наманган адирларида эса жуда кўп учрайдиган думалоқбош, калтакесак, тошбақа, дала сичқони, туркистон каламуши мисолида куйидагилар аниқланди. Жарланиш жараёнига ҳайвонот оламининг таъсири жуда сезиларли, лекин суғориладиган майдонларда эса жарланишни жадаллашувига кучлироқ таъсир этади (1-расм). Бинобарин ҳайвонлар жар атрофидан ўзларига макон қилиб ин қурадилар. Мана шу инларга ёғингарчилик ва суғориш даврида сув тўлиши муносабати билан тупроқнинг сув ўтказувчанлик, физик-кимёвий хоссалари бузилади. Натижада ҳайвонлар қазиган инлар ичида нураш, чўкиш, жар томонга сурилиш жараёни кетиб, жар майдонлари йиллар давомида кенгайиб боради, янги-янги жарлар пайдо бўлади.

**Ҳайвонот оламининг жарланиш жараёнига таъсири**

жадвал

№	Ҳайвоннинг номи	Инининг		Қазиб чиқарган тупроқ, т/га	Ўртача 1 га ерда инларнинг сони	Ўртача 1 га ерда тешиқлар ҳажми, м <sup>3</sup>
		Чуқурлиги, м	Диаметри, см			
1	Думалоқбош	1.3-1.5	3-5	0.1-0.3	15	0.1-0.4
2	Тошбақа	1.1-1.4	8-14	0.3-1.1	4	0.2-0.9
3	Дала сичқони	1.4-1.9	2-4	0.7-4.0	13	0.6-3.1
4	Туркистон каламуши	2.0-2.5	5-8	8.6-27.7	17	6.7-21.3

жадвалда кўрсатилганидек, думалоқбошлар инининг чуқурлиги 1.3-1.5 метргача, диаметри 3-5 сантиметр бўлгани ҳолда 0,1-0,3 тонна тупроқни қазиб ташлаб 0,1-0,4 куб метр ўзига хос бўшлиқ(камера)лар ташкил этадилар. Тошбақалар эса 0,2-0,9 куб метр тупроқда бўшлиқлар содир этадилар. Жарланиш жараёнига энг хавфли таъсир этувчиси Туркистон каламуши ҳисобланиб, бу кемирувчиларнинг суғориладиган ерлардаги инининг чуқурлиги 2,0-2,5 метргача тушиб, диаметри 5-8 см гача кенгайиб боради. Каламушлар тажриба участкасининг 1 га майдонида 17 дона ин қурган. 8.6-27.7 тоннагача тупроқни ер юзасига чиқариб, 6.7-21.3 куб метр ўзига хос камералар ҳосил қилинган. Энг қизиғи шундаки, туркистон каламушларининг аксарияти инининг тубида ўзи учун қишга дон ғамлаш мақсадида 0.5 куб метргача бўшлиқдаги омборхона тайёрлайди. Мана шу бўшлиқларга сув тўлгандан сўнг ўпирилиш ва сурилиш жараёни жадаллашиб, жарга ёки жар майдонларини кенгайишига олиб келади.[3]

Биринчи йил кузатиш мобайнида яйловларда жар ёқасида инлар сони 5 тага кўпайган. Жарнинг эни ўлчанганда 2 метр бўлган, учинчи йили эса шу жар атрофида инлар сони 8 тага етган ҳолда жарнинг эни ўзгармаган. Тўртинчи йилда эса жар деворлари ўпирилиб, жарнинг кенгайиши содир бўлган ва натижада жар 1 метрга кенгайиб, унинг эни 3 метрга етган. Хулоса қилиб айтганда, жарланиш жараёнини кескинлашувига суғорма ва яйлов ерларда жарланиш жараёнини содир этишда ҳайвонот олами ҳам асосий омиллардан бири эканлиги исботланди.

**Адабиётлар**

- [1] А. Нигматов, Б. Любимов, А. Дадахўжаев “Рекомендации по оценке, картированию и восстановлению овражных и техногенно нарушенных земель. Ташкент, “ИПААНУЗ”, 1994.
- [2] А. Нигматов, А. Дадахўжаев “Адирларда жарланиш ва уларга қарши кураш чоралари” Тошкент, “Университет”, 2000.
- [3] А. Дадахўжаев, Б. Ахмедов, Ш. Раҳмонов “Тупроқ эрозияси ва унга қарши кураш чоралари” ФарПИ, Илмий-техника журнал, 3-сон, 2013.

А.А. Атамов, Н.Н. Мажидов

*Наманган муҳандислик-педагогика институти  
(Қабул қилинди 11.12.2014 й.)*

*Мақолада истеъмолчилар томонидан сарфланадиган табиий газ миқдорларини ҳисоблашнинг турли хил усуллари таҳлил этилган ва газ сарфи ҳисобининг оптимал усуллари тавсия этилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** табиий газ, ёқилги, газ сарфи, газ плитаси, газ ҳисоблагич, газ истеъмоли, газ жиҳозлари, ис газ, газ босими, иситиш тизимлари.

*В статье рассмотрены различные методы расчёта расхода природного газа и представлены оптимальные способы расчёта расхода природного газа.*

**Ключевые слова:** природный газ, топливо, расход газа, газовая плита, газовый счётчик, потребление газа, оборудования газа, углекислые газы, давление газа, отопительные системы.

*In this article the different methods of calculating expenditure of natural gas are given and optimum ways of calculating expenditure of natural gas are clearly proven.*

**Keywords:** natural gas, gasoline, gas spending, gas-stove, gas consumption, gas equipment, carbon dioxide, gas pressure, heating system.

Ҳозирги даврда газ ёқилғиси аҳолининг кундалик турмушида, коммунал-маиший корхоналар ва саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлатилмоқда. Газ ёқилғисини ҳеч бир муболағасиз ноёб ёқилғи деб айтиш мумкин. Бунга сабаб бошқа турдаги ёқилғиларга нисбатан газ бир қанча қулайликларга эга; газни истеъмолчиларга узок масофаларга етказиб бериш осон, газ ёқилғиси ёрдамида ишлайдиган ускуналарни ишга тушириш қулай, ёнув жараёнини автоматлаштирилганлиги ишлатиш учун қулайликни таъминлайди ва ш.к. [1].

Жумладан, куз-қиш мавсумида кўп қаватли уйларда марказлашган иситиш тизимлари коникарсиз ишлаганлиги ва айрим ҳудудларда уйлар марказлаштирилган иситиш тизимларидан узиб ташланганлиги сабабли хонадон эгалари томонидан овқат пишириш учун ўрнатилган газ плиталаридан хонадонларни истиш учун фойдаланаётганлари газ сарфини ошиб кетишига, газ ҳисоблагич ўрнатилмаган хонадонларда эса газ сарфи миқдори ҳажмини ҳисобга олиб бўлмаслиги натижасида ортиқча (пережог) газ сарфини вужудга келтирмоқда.

**1-таҳлил.** Таҳлил қилиш учун 80 та хонадондан иборат, 260 та истеъмолчи яшайдиган кўп қаватли уй олинди. Мазкур уй хонадонларига ўрнатилган газ ҳисоблагичлар (J-1.6 русумидаги газ ҳисоблагич) ноаниқлик даражаси бўйича стандарт талабларига жавоб бермай, носозлиги бўйича газ сарфи ҳисобини ўрта тўлов яъни меъёрий тўловга ўтказилган. Ўрта тўловга ўтказилган истеъмолчилар учун Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган 2014 йил 15 сентябрдаги №19-03-22-05-ЎЗР-85-2014 ва №19-03-22-05-ЎЗР-86-2014-сонли нархлар прејскурантларига мувофиқ аҳолига ва улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газга 2014 йил 1-октябридан бошлаб чакана нархлар жорий этилган  $1 \text{ м}^3$  табиий газ 317,02 сўм, 1 киши учун ойлик тўлов 4711,30 сўм 1 киши бир ойлик газ сарфи  $4711,30 / 317,02 = 15 \text{ м}^3$  га тенг, бир ойда 260 та яшовчига  $15 \text{ м}^3$  дан жами  $260 \times 15 = 3900 \text{ м}^3$  газ ҳисоботга олинади. Ҳолбуки, бу хонадонда бир кеча-кундузда 8-10 соат давомида газ плитадан фойдаланиб хонадонларни иситишган. 2008 йилдаги “Ўзтрансгаз” АКнинг бош директори томонидан тасдиқланган газ истеъмол қиладиган жиҳозлар ва ускуналарнинг номинал меъёрий соатли газ сарфи (Номинальные часовые расходы газа газопотребляющего оборудования (составлены по паспортам и техническим параметрам, а также изъяты из справочной литературы)) асосан, Фарғона ПГ-4 русумидаги газ плитасининг соатлик газ сарфи  $1,371 \text{ м}^3/\text{соат}$  учун;  $1,371 \text{ м}^3/\text{соат} \times 10 \text{ соат} \times 30 \text{ кун} \times 80 \text{ хонадон} = 31200 \text{ м}^3$  газ сарфланади. Лекин аҳоли томонидан белгиланган меъёрга асосан  $3900 \text{ м}^3$  учун газ ҳақини тўлайди, лекин 1 ойда ҳар куни 10 соатдан хонадонни иситишга кетган газ сарфи инобатга олинмаяпти, шунинг учун орадаги ортиқча (пережог) газ сарфи  $27300 \text{ м}^3$  қиймати 7801,4 минг сўмлик табиий газ ортиқча сарфланмоқда.



**2-таҳлил.** Таҳлил қилиш учун олинган бир қатор кўп қаватли уйларда 2013 йил ноябр, декабр ойларида марказлаштирилган иссиқлик етказиб берилмаган хонадонлар томонидан табиий газдан хоналарни иситиш учун фойдаланилган бўлса ҳам шу ойларга белгиланган меъёрлар бўйича ойлик газ сарфи 453,9 минг м<sup>3</sup> га газ сарфи ҳисоб қилинган 1-жадвал, лекин бу ойларда юқоридаги хонадонларда октябр ойида ҳам табиий газдан сув иситиш учун фойдаланилган. Лекин қўшимча газ сарфлари инobatга олинмаган. Буни эътиборга олинадиган бўлса:

- марказий (якка) иссиқ сув таъминоти тизимига уланган уйларда газ плиталарида овқат пишириш учун бир яшовчига 11 м<sup>3</sup>/ой газ сарфи белгиланган;

- марказий иссиқ сув таъминоти тизимига уланган ёки уланмаган бўлишига қарамай вақти-вақти билан иссиқ сув таъминотида узилишлар содир бўлиб турадиган уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар учун бир яшовчига 16 м<sup>3</sup>/ой газ сарфи белгиланган [2];

Таҳлил қилиш учун олинган яшовчилари сони 30257 бўлган бир қатор кўп қаватли уйларда 2013 йил октябр ойида иссиқ сув таъминоти етказиб берилмаган хонадонлар томонидан табиий газ ёрдамида сув иситиш учун фойдаланилганлиги учун ойлик газ сарфи ҳақиқатда куйидагича – 30257 киши х 27 м<sup>3</sup>/ой = 816,9 минг м<sup>3</sup>. Меъёр бўйича ойлик газ сарфи 453,9 минг м<sup>3</sup> га тенг бўлиши керак. Лекин орадаги фарқ 363,1 минг м<sup>3</sup> ни ташкил этиб, қиймати 77164,4 минг сўмга тенг ортиқча табиий газдан фойдаланилган (2-жадвал).

**3-таҳлил.** Таҳлил учун маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли газ ҳисоблагич ўрнатилмаган, якка тартибдаги ҳовли хонадонлардан 400 таси олинди. Хонадонлардаги газ сарфи уй эгаларининг талабларига биноан белгиланган меъёрларга асосан овқат пишириш, ҳаммом ва иситиш учун олиб борилади. Бундан ташқари газ ҳисоблагич ўрнатилмаган ўрта тўловдаги ҳовли хонадонларнинг аксариятида ностандарт газ жиҳозларидан фойдаланадилар.

Газ ҳисоблагич ўрнатилмаган, аҳоли хонадонларида 2013 йил 4-чорақда ностандарт газ ускуналарида ортиқча сарф бўлган газ ҳажмининг таҳлили 3- жадвалда келтирилган. Куйида газ ҳисоблагич ўрнатилмаган 1та хонадонда сарфланган ойлик газ миқдори таҳлилини кўриб чиқамиз: газ қурилмаларига меъёр асосида нормал шароитда (0<sup>0</sup>С, 760 мм.рт.ст.)да соатли газ сарфи - овқат пишириш учун ПГ-4 русумдаги газ плиталари учун Q = 1,371 м<sup>3</sup>/соат , АГВ-80 русумли сув иситгич орқали ҳаммомни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун Q = 0,75 м<sup>3</sup>/соат ва ОВП ёки ОП русумидаги иситиш қурилмалари учун Q = 0,95 м<sup>3</sup>/соат этиб белгиланган. Лекин стандарт шароитда (20<sup>0</sup>С, 760 мм.рт.ст.)да соатли газ сарфини ҳисоблашда, ДАСТ 2939-63 га асосан, юқоридаги қурилмаларга меъёр асосида нормал шароитдаги соатли газ сарфини 1.073 коэффицентга кўпайтириб стандарт шароитга келтириб олиниши кўрсатилган. Шунга кўра куйидаги таҳлилий ҳисобларни кетирамиз:

- ПГ-4 русумдаги газ плитасида овқат пишириш учун бир ойлик газ сарфи

$$V_{\text{овқат пишириш}} = 1,371 \text{ м}^3/\text{соат} \times 1,073 \times 8 \text{ соат} \times 30 \text{ кун} = 353 \text{ м}^3;$$

- АГВ-80 русумли сув иситгич орқали ҳаммомни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун бир ойга соатли газ сарфи  $V_{\text{ҳаммом}} = 0,75 \text{ м}^3/\text{соат} \times 1,073 \times 24 \text{ соат} \times 15 \text{ кун} = 270 \text{ м}^3;$

- ОВП ёки ОП русумидаги иситиш қурилмаси учун бир ойда соатли газ сарфи

$$V_{\text{иситиш}} = 0,95 \text{ м}^3/\text{соат} \times 1,073 \times 24 \text{ соат} \times 30 \text{ кун} = 734 \text{ м}^3;$$

Ҳайвонлар учун озуқа тайёрлашга сарфланган газ сарфини ҳисобга олмаганда, жами: битта хонадон учун умумий бир ойлик газ сарфи

$$V_{\text{умумий}} = 353 \text{ м}^3 + 270 \text{ м}^3 + 734 \text{ м}^3 = 1357 \text{ м}^3 \text{ ни ташкил этади.}$$

Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёр бўйича ва 1та хонадонда ўртача 5 киши яшайди деб юқоридаги ҳолатни таҳлил қилганимизда:

- овқат пиширишга 5 киши х 11 м<sup>3</sup> = 55 м<sup>3</sup> ;

- иссиқ сув учун 5 киши х 16 м<sup>3</sup> = 80 м<sup>3</sup> ;

- хоналарни иситиш учун 146 м<sup>3</sup> иситиш ҳажми х 5.76 м<sup>3</sup> = 841 м<sup>3</sup> жами 976 м<sup>3</sup> табиий газ сарфланади. Фойдаланилаётган иситиш ва ҳаммомга ўрнатилган газ жиҳозлари ностандарт бўлгани учун 381 м<sup>3</sup> табиий газни ортиқча сарфланишига олиб келади.

Наманган шаҳридаги газ хисоблагич ўрнатилмаган 400 та аҳоли хонадонларида 2013 йил 4-чорада ностандарт газ ускуналарида ортиқча сарф бўлган газ хажмининг тахлили

1 – жадвал.

Йил	Ойлар	Шундан газ хисоблагич ўрнатилмаган хонадонларда		Газ хисоблагич ўрнатилмаган хонадонлардаги ностандарт ускуналар сони	0,55 м <sup>3</sup> /соат	Ностандарт газ ускунасининг иситиш мавсумидаги ортиқча газ сарфи (миңг м <sup>3</sup> ) (1,5 м <sup>3</sup> /соат - 0,95 м <sup>3</sup> /соат = 0,55 м <sup>3</sup> /соат)	1000 м <sup>3</sup> газ миқдори сўммаси (миңг сум)	Ортиқча сарфланган газ миқдори сўммаси (миңг сум)
		хонадон сони	Сарфланган газ миқдори (миңг м <sup>3</sup> )					
2013	ноябр	400	808,289	400	0,55	158,4	98,560	15611,9
2013	декабр	400	809,821	400	0,55	163,7	98,560	16132,3
						<b>322,1</b>		<b>31744,2</b>

Илова: Аҳоли хонадонларида ўтказилган хатлов натижасида аниқланган ностандарт газ ускуналарининг сони иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда соатлик газ сарфи 1,5 м<sup>3</sup>/соат бўлиб, меъёрдан ортиқча соатига 0,55 м<sup>3</sup>/соат сарф бўлиши ҳисобидан олинган.

Наманган шаҳрига қарашли мавжуд кўп қаватли уйларда 2013 йил октябр ойида иссиқ сув таъминоти етказиб берилмаган хонадонлар томонидан таъминот таъминоти учун фойдаланганлиги тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т

2 – жадвал.

Йил	Ойлар	Шундан иссиқ сув таъминоти билан таъминланмайдиган									
		Кўп қаватли уйлар сони	Улардаги хонадонлар сони (квартиралар сони)	Яшовчилар сони	Меъёр бўйича ойлик газ сарфи миңг м <sup>3</sup>	Иссиқ сув ва оват-пиширишга 1 кишига белги-ланган ойлик меъёр	Ҳақиқатдаги ойлик газ сарфи миңг м <sup>3</sup>	Ойдаги ҳақиқий газ сарфи миңг м <sup>3</sup>	Ойдаги меъёрдан ортиқча газ сарфи миңг м <sup>3</sup>	1000 м <sup>3</sup> учун таъминот таъминоти учун газ нархи миңг сум	Меъёрдан ортиқча газ сарфи сўммаси миңг сум
2012	октябр	290	13800	30257	453,9	27	30257	816,9	363,1	212,525	77164,4
жами					453,9			816,9	363,1		77164,4

Наманган шаҳрига қарашли мавжуд кўп қаватли уйларда 2013 йил ноябрь, декабрь ойларида иссиқлик таъминоти етказиб берилмаган хонадонлар томонидан табиий газдан хоналарни иситиш учун фойдаланаётганлиги тўғрисида МА Ъ Л У М О Т											
3 – жадвал.											
Йил	Ойлар	Шундан иссиқлик таъминоти билан таъминланмайдиган									
		Кўп қаватли уйлар сони	Улардаги хонадонлар сони (квартира-лар сони)	Яшовчилар сони	Мейёр буйича 2 ойлик газ сарфи минг м <sup>3</sup>	Ўрнатилган 1 та ПГ-4 газ Усуқнасининг соатлик газ сарфи м <sup>3</sup> /соат	Мейёрдан ортиқча қўнлик газ сарфи минг м <sup>3</sup> /кун	ойдаги ҳақиқий газ сарфи минг м <sup>3</sup>	ойдаги мейёрдан ортиқча газ сарфи минг м <sup>3</sup>	1000 м <sup>3</sup> учун табиий газ нархи минг сўм	Мейёрдан ортиқча газ сарфи сўмга миқдори
2012	ноябр	290	13800	30257	453,9	1,3	1,3 м <sup>3</sup> /соат х 8 соат х 13800 та	4305,6	3851,7	98,560	379628,0
2012	декабр	290	13800	30257	453,9	1,3	1,3 м <sup>3</sup> /соат х 8 соат х 13800 та	4449,1	3995,3	98,560	393773,3
жами					907,7			8754,7	7847,0		773401,3

**4-таҳлил.** Ис гази (СО) хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида пайдо бўладиган газдир. Ис гази инсон организмнинг нафас йўллари ва нафас аъзоларига кучли таъсир қилади. Ис гази нафас йўллари орқали организмни, хусусан, марказий нерв системасини зарарлайди. Шамоллатилмайдиган хоналарда, шунингдек, уй шароитларида, очиқ шароитда табиий газ ёниб турганда ва печка билан иситиладиган уйларда (уй, хаммом ва бошқалар) печка қопқоғи ўз вақтида ёпилмаганда заҳарланиб қолиш мумкин, унинг ҳаводаги концентрациясига ва таъсир муддатига боғлиқ бўлади. Енгил даражадаги заҳарланишда бош қаттиқ оғрийди, айланади, кулоқлар шанғиллайди, кўнгил айнийди, баъзан қусиш ва хушдан кетиш кузатилади.

Ўртача даражада заҳарланишда мушаклар кучсизланади, нафас сиқилади, пульс тезлашади, артериал қон босими пасаяди, кўнгил айнийди, ақл хиралашади, баъзан одам уйқучан бўлади. Юзида қирмизи доғлар пайдо бўлади. Оғир даражада заҳарланишда одам батамом хушидан кетади ва юзида қирмизи доғлар пайдо бўлади. Пульс тезлашади, артериал қон босими кескин пасаяди, нафас олиш секинлашади ва мушаклар бўшашади, нафас тўхтайтиди ва одам ўлади. Ис газининг ҳаводаги ўлимга олиб келадиган концентрацияси 0,08 фоизни ташкил этади [3].

### **Хулоса:**

Ўтказилган мониторинг натижа кўрсаткичлари тўғри ҳисобланган ва тўғри таҳлил қилинган. Иссиқлик манбаи томонидан берилаётган иссиқликни истеъмолчи хонадонларига тўла етказиб бериш учун, иссиқлик ишлаб чиқариш қозонларини, иссиқлик тармоқларини тўла таъмирлаш ва изоляция қилиш каби тадбирларни амалга ошириш керак;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 январдаги 7-сонли “Республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган корхона ва ташкилотларда маънавий эскирган тежамсиз қозонларни замонавий самараси юқори бўлган қозонларга алмаштириш тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлаш ва уларни локаллаштириш тизимига ўтказиш дастури бажарилмаган. Дастурни амалга ошириш талаб этилади;

Кўп қаватли уй хонадонларини меъёрдаги иссиқлик билан тўлиқ таъминланганда табиий газдан ортиқча сарфланишига ва яшовчиларнинг соғлигига зарар етказадиган ис гази (СО) таъсир қилмаган бўларди. Хонадонларга замонавий газ ҳисоблагичлар ўрнатиш билан сарф бўлаётган газ миқдорларини аниқлаш ва ҳисоблаш тизимидаги бир қатор муаммоларга чек қўйилади [4].

### **Адабиётлар**

- [1] Р. Айматов, С. Бобоев, Ж. Алибеков. Газ таъминоти. (ўқув қўлланма). Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги нашриёт. 2003.
- [2] Ю. К. Рашидов. Газ таъминоти (ўқув қўлланма). Тошкент, 2000. ТАҚИ.
- [3] А.Ю. Ляуконис. Оптимизация городских систем газоснабжения в вероятностно-неопределённых условиях. Вильнюс. 1983.
- [4] А. А. Ионин. Газоснабжения. М.: Стройиздат. 1989.

УДК 624.0042

## **БЎЙЛАМА СЕГМЕНТСИМОН БИКРЛИК ҚОБИРҒАЛИ ЦИЛИНДРИК ҚОБИҚНИНГ УСТУВОРЛИГИ**

Х.А. Акрамов, Ш.М. Давлятов

*Фарғона политехника институти  
(Қабул қилинди 30.12.2014 й.)*

*Ушбу мақолада қобиқларни бўйлама сегментсимон бикрлик панеллар билан кучлантирилган цилиндрик қобиқнинг устуворлиги кўриб чиқилган. Доиравий кесимли асосий қобиқ ҳамда сегментсимон кучайтириш бикрлик панелларининг устуворлиги ҳисобланди. Сегментсимон бикрлик*

панеллари билан кучайтирилган цилиндрик қобқиқни ярим моментли назариялар бўйича умумий устуворликка ҳисоблаш методи келтирилди.

**Таянч сўзлар:** цилиндрик қобқиқлар, сегментсимон панеллар, кучлантирилган қобқиқ, устуворлик, моментли, ярим моментли назария, ҳисоблаш методлари.

В настоящей работе рассматривается вопрос устойчивости панели основной оболочки, подкрепленной круговыми панелями. Расчитана общая устойчивость панели цилиндрической оболочки по полумоментной теории при внецентренном сжатии. Приведён метод определения несущей способности подкрепленной оболочки при внецентренном сжатии.

**Ключевые слова:** цилиндрические оболочки, цилиндрические панели, основные оболочки, подкрепленные оболочки, полумоментная теория, расчётные методы.


In the present work the question of stability of the panel of the basic shell supported with circular panels is considered. General stability by panels of the cylindrical shell on half moment theory at outcentral compression is calculated. The above method of determining the bearing capacity of reinforced by the shell under eccentric compression is given in the article.

**Keywords:** Cylindrical shells, cylindrical panels, basic shell supported shells, half moment theory, calculated methods.

Бўйлама сегментсимон бўйлама қобқиқлар бикр маҳкамланган, чеккаларидан эса шарнирли маҳкамланган цилиндрик панелнинг устуворлигини кўриб чиқамиз. Бундай панеллар буровчи деформацияларга кучли қаршилик кўрсатиши билан характерланади.

Бўйлама йўналишда сиқувчи тенг тақсимланган куч таъсир этаётган бўлса, потенциал энергиянинг вариацион кўринишда ёзилиши куйидагича бўлади (1-расм).

$$\Pi = \frac{r^2}{2} \int_0^L \int_0^{2\pi} \left\{ M_1 x_1 + M_2 x_2 + 2M_{12} x_{12} + N_1 s_1 + N_2 s_2 + N_{12} s_{12} - \frac{N_1^{**}}{r^2} \left[ \left( \frac{\partial w}{\partial \alpha} \right)^2 + \left( \frac{\partial v}{\partial \alpha} \right)^2 \right] \right\} d\alpha d\beta. \quad (1)$$



Устуворликнинг йўқотилиши куйидаги функциялар билан ифодаланади:

$$u = a_1 \cos \lambda \alpha (1 - \cos 2n_s \beta);$$

$$v = a_2 \sin \lambda \alpha \cdot \sin n_s \beta;$$

$$w = a_3; \sin \lambda \alpha \cdot \sin 2n_s \beta. \quad (2)$$

Бундай функциялар куйидаги чегаравий шартларни қаноатлантиради:

$$\lambda = \frac{\pi n \Gamma}{L}, \quad n_s = \frac{\pi n \Gamma}{\beta_0}$$

1-расм. Четки сегментсимон қобқиқлари бикр маҳкамланган цилиндрик қобқиқ. Бу ерда  $a_1, a_2, a_3$  - аниқланувчи параметрлар.

Асосий геометрик боғланишлардан фойдаланиб (2) га асосан деформация ва эгриликлар учун куйидаги ифодаларга эга бўламиз:

$$\begin{aligned} s_1 &= -a_1 \frac{\lambda}{r} \sin \lambda \alpha (1 - \cos 2n_s \beta); \\ s_2 &= \frac{1}{r} \sin \lambda \alpha (2n_s a_2 \cos 2n_s \beta + a_3 \sin 2n_s \beta); \\ s_{12} &= \frac{1}{r} \cos \lambda \alpha \cdot \sin 2n_s \beta (a_1 2n_s a_2 \lambda); \\ \chi_1 &= \frac{\lambda^2}{r^2} a_3 \sin \lambda \alpha \cdot \sin 2n_s \beta; \\ \chi_2 &= \frac{2n_s}{r_2} \sin \lambda \alpha \cdot \sin 2n_s \beta (a_2 - a_3 n_s); \end{aligned} \quad (3)$$

$$x_{12} = \frac{\lambda}{r_2} \cos \lambda a \cdot \sin 2n_2 \theta (a_2 - a_2 n_2).$$

Ушбу ифодаларни (1), (2), (3) формулага қўйиб, бўйлама тақсимланган зўриқишлар ва моментлардан фойдаланиб, интеграллашни амалга оширсак, қуйидаги алгебраик тенгламаларни ҳосил қиламиз. Ҳар бир параметр учун экстремум  $\Pi = \Pi(a_1, a_1, a_1)$  шартини ёзамиз:

$$\frac{\partial \Pi}{\partial a_1} = 0; \quad \frac{\partial \Pi}{\partial a_2} = 0; \quad \frac{\partial \Pi}{\partial a_3} = 0; \quad (4)$$

Ҳосил бўлган алгебраик тенгламалар тизими  $a_1, a_2, a_3$  ларга нисбатан чиқиқли бўлади. Тенглама коэффициентларидан детерминант тузиб уни нолга тенглаймиз, натижада  $N_1^{**}$  - тақсимланган критик куч учун ифода ҳосил бўлади.  $m$  ва  $n$  тўлқинлар сони билан  $N_1^{**}$  га минимал қиймат ЭХМда аниқлаш амалга оширилади. Критик кучланиш қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\sigma_1^{**} = \frac{N_1^{**}}{h} \quad (5)$$

Кучайтирилган қобикларнинг юк кўтариш қобилиятини аниқлаймиз. Конструкциянинг юк кўтариш қобилияти деб таъсир этувчи юклар остида унинг бузилиш ҳолатига ёки тўлиқ яроқсиз ҳолда келиши тушунилади. Цилиндрик панеллар билан кучайтирилган қобик номарказий сиқувчи кучлар таъсирида қуйидаги ҳолатларда юк кўтариш қобилиятини йўқотиши мумкин:

- Кучайтирувчи қобиклар ва панелнинг биргаликда устуворликни йўқотиши;
- асосий қобикни кучайтирувчи панелнинг маҳаллий устуворлигини йўқотиши.

Маҳаллий устуворликни йўқотишда кучайтирилган панелларда эҳтимолли бошланғич нуқсонлар таъсир этиши мумкин, аммо уларнинг таъсири кучайтирилмаган қобикларга нисбатан кам бўлади.

Марказий сиқилишда юк кўтариш қобилиятини таҳлил қиламиз. Қобикнинг умумий устуворлигини йўқотишдаги критик кучланиш формуладан аниқланади. Қобикдаги бошланғич нуқсонлар таъсири  $k_0$  коэффициент киритиш билан ҳисобга олинади [8]:

$$k_0 = 0,1 + 0,9e^{-0,7\sqrt{mn/n_1^2}}$$

демак,

$$\sigma_{1,0}^* = \sigma_{1,0}^* \cdot k_0 \quad (7)$$

бунда  $\sigma_{1,0}^*$  нуқсонсиз қобикдаги критик кучланиш каби аниқланади.

Агар критик кучланиш пропорционаллик чегарасидан ортса, материалнинг эластик-пластик ишлашини ҳисобга олиш керак, яъни:

$$\sigma_{пл} = \sigma_b \frac{1+\mu}{1+\mu+\mu^2} \quad (8)$$

$\sigma_b$  - материалнинг мустаҳкамлик чегараси.

Кучайтирилган қобик умумий устуворлигини йўқотса, унинг юк кўтариш қобилияти тўлиқ сарфланган бўлади, яъни конструкциянинг бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун критик кучланиш  $\sigma_{1,0}^*$  ёки  $\sigma_{пл}^*$  қобикнинг юк кўтариш қобилиятини баҳолайди.

Кучайтирилган қобикларнинг бузилиши кучайтирувчи бикрлик панеллари устуворлигини йўқотганда ҳам содир бўлиши мумкин. Қурилиш меъёрларига асосан кучайтирувчи бикрлик панелидаги критик кучланиш [8]:

$$\frac{b^2}{h^2 r_1} > 20 \quad (9)$$

Муносабатда (бунда  $b$  - панел эни;  $r_1, h$  - панел радиуси ва қалинлиги) қуйидаги формуладан текширилади:

$$\sigma_2^* = cE \frac{h^3}{r_1} \quad (10)$$

бунда  $c$  - қобикдаги нуқсонларни ҳисобга олувчи коэффициент [8].

Қобикнинг юк кўтариш қобилияти куйидаги формулалардан аниқланади:

$$p = k_1 \sigma_1^* (F_1 + 2c_1 h) \quad (11)$$

ёки

$$p = k_1 \sigma_2^* (F_1 + 2c_1 h) \quad (12)$$

$$c_1 = \frac{s}{2} \sqrt{\frac{\sigma_1^{**}}{\sigma_1}} \quad (13)$$

бунда  $k_1 F_1$  – бикрлик панеллари сони ва уларнинг ҳар бирининг кесим юзаси;

$\sigma_1^{**}$  - асосий қобикдаги критик кучланиш бўлиб, унинг қиймати (11), (12), (13)

формулалардан аниқланади ва ҳисоб учун энг кичик критик кучланиш қабул қилинади.

#### Адабиётлар

- [1] Вольмир А.С. Устойчивость деформируемых систем. 1967.
- [2] Донелл Л.Г. Балки, пластинки оболочки, 1982.
- [3] Мельников Н.П. Металлические конструкции, 1978.
- [4] Под ред. Мельникова Н.П. Справочник проектировщика металлических конструкций, 1980.
- [5] Шимановский А.В, Оглобля А.И, Теория и расчет несущих элементов большепролетных пространственных конструкций, Киев, 2002.
- [6] Амиро И.Я, Зарункий В.А., Поляков П.С. Ребристые цилиндрические оболочки, Киев, Наукова думка, 1973.
- [7] Тимашев С.А. Устойчивость подкрепленных оболочек, Стройиздат, 1974.
- [8] КМК 2.01.07-96. Юклар ва таъсирлар, 1996.
- [9] КМК 3.03.02-98. Металл конструкциялар ишлаб чиқариш ва ишларни қабул қилиш қоидалари, 1998.

## ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ж. З. Эхсонов

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
(Қабул қилинди 23.03.2015 й.)

Мақола ер кадастрини юритишда, ягона ер ахборот тизимини яратишда замонавий ГИС технологияларини қўллаш имкониятларига бағишланган. Мақолада замонавий технологиялар ёрдамида ер ажратиш ва танлаш лойиҳаларини баҳолаш имкониятлари ҳам ёритилган.

**Таянч сўзлар:** замонавий ахборот технологиялари, ер ресурслари, ер ахбороти тизими, давлат ер кадастри, геоахборот, ер участкаси.

Данная статья посвящена способам применения современных ГИС технологий при ведении земельного кадастра, при составлении системы земельно-кадастровой информации, как на местном, так и на государственном уровне. Также приведены вопросы о возможностях применения современных технологий при оценке проектов отвода земельных участков.

**Ключевые слова:** современные информационные технологии, земельные ресурсы, система наземной информации, государственный земельный кадастр, геоинформация, земельный участок.

The article is dedicated to the ways of implementing contemporary GIS technologies in the registry of land and the creation of a sole land information system in Uzbekistan. The distribution of land and the evaluation of choosing projects are also highlighted in the article.

**Key words:** modern information technologies, land resources, system of land information, state land kadastre, geoinformation, plot of ground.

Бутун дунёда табиий ресурслардан фойдаланишни режалаштириш, такомиллаштириш ва назорат қилиш учун ер ахборотлари учун талаб ўсиб бормоқда. Шу ўринда маъмурий туманда ҳам ер ахбороти тизимини ривожлантириш туман ер ресурсларидан фойдаланишни оқилона бошқариш ва назорат қилишда қўллаш асосий вазифалардандир. Умуман ер бевосита моддий бойликлар манбаи бўлгани ҳолда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади ва ундан фойдаланишнинг самарали бошқариш тизимини яратишни талаб қилади.

Замонавий иқтисодий адабиётларда замонавий ахборот технологиялари асосида тизимли ер бошқаришни шаклланишига ва амалиётда жорий этилишида ҳамда уни тартибга солиш бўйича услуб ва механизмларга катта эътибор бериб келинмоқда. Ер бошқаруви услубларини такомиллаштириш, тўлов қиймати ва шакллари табақалашган услубларда аниқлаш муаммоларига йирик халқаро, республика ва минтақавий илмий-амалий анжуман ҳамда семинарлар, нуфузли иқтисодий журнал ва илмий асарлар бағишланган. Бироқ, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ масалалари юзасидан тадқиқотлар кам.

Ер ажратиш жараёнида ва ундан фойдаланиш даврида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларининг давлат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва улардан фойдаланиш, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарага олувчилари ва мулкдорлари, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда аҳоли хавфсизлиги манфаатлари йўлида қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда чекланиши олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланган.

Республика ер мулк салоҳияти иқтисодий минтақалар бўйича бир текис тақсимланмаганлиги, меҳнат ва сув ресурслари мослигидаги тафовутлар ва биологик захиралар бўйича кескин фарқланиши яққол сезилади. Бу муаммо минтақалар бўйича халқ хўжалик тармоқларини турли даражада ва ҳар хил нисбатда ривожланганлик даражаси билан кескинлашиб келмоқда. Натижада бир минтақада ер танқислиги, иккинчисида эса бунинг аксини кузатиш мумкин.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш жараёнига ердан табиий ресурс сифатида қаралмоғи лозим. Бунда ердан фойдаланиш мақсади асосан аҳолини озиқ-овқатга ва саноатни хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган.

Ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, технологик, ер муҳофазаси, ҳуқуқий ва бошқа тадбирларни ўз ичига олади. Бу жараёнда шу тадбирларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ҳамда халқ хўжалик тармоқлари эҳтиёжига ҳам мос келадиган ҳар бир ер эгаси манфаатларини ҳисобга оладиган тадбирлар ишлаб чиқилади. Албатта, бу тадбирларни амалга оширишда замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотлар билан таъминлаш даражасига кўп жиҳатдан алоқадор. Замонавий ахборот технологиялари асосида зарур маълумотлар билан таъминлаш ер кадастри ва ер мониторингини аҳамиятини орттиради ва ўз вақтида тегишли қарорлар қабул қилиш ва тадбирларни белгилаш имконини беради. Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мамлакат иқтисодиётини бозор ислохотлари шароитида туб ўзгаришларига боғлаб қўйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш лозим:

– ер қонунчилиги иқтисодий ислохотларни бозор муносабатларини жорий қилиш негизида янада чуқурлаштиришни, шунингдек ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таъминловчи ҳуқуқий асос яратиш мақсадида такомиллаштириш;

– ер муносабатларини тартибга солувчи зарурий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишини таъминлаш;

– ер ва бошқа кўчмас мулкка бўлган мулкчилик муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни ривожлантириш;

– фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқларининг давлат томонидан қафолатланишини таъминлаш;



- ер ва бошқа кўчмас мулкни самарали бошқаришнинг ҳукукий механизмини, бозор инфраструктурасини яратишни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш;
- ер ва бошқа кўчмас мулк айланмаси тартибга солувчи қонунчиликни ривожлантириш;
- кишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерлардан ҳамда кишлоқ хўжалиги аҳамиятида бўлмаган ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳукукий жиҳатдан таъминлаш.

Маълумки, кишлоқ хўжалик экинлари майдонлари қисқаргани ҳолда саноат ер майдонлари, аҳоли яшаш пунктлари кенгаймоқда. Ер ресурсларидан кишлоқ хўжалигида нооқилона фойдаланиш, курғоқчилик, тупроқ эрозияси ва умуман тупроқнинг бузилишига олиб келади. Шу тарзда ер ресурсларидан фойдаланишни оқилона бошқариш учун объектив омиллар сони ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида бевосита ер майдонлари қисмлари ҳақида ўз вақтида тегишли қарор қабул қилиш ва тадбирларни амалга ошириш учун хилма хил ва батафсил ахборотни кенг кўламда катта майдонлар учун тайёрлашни талаб қилади. Бу маълумотларни тайёрлашда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари қуйи бўғинда бўлиб, ер ахборотни тайёрлашда асосий роҳна ҳисобланади. Туман ерларидан фойдаланиш ҳақидаги умумий маълумотлар етарли бўлмаганда батафсил ахборотлар зарур. Бу эса туманда ер ахборот тизимини яратишга ва такомиллаштиришга яққол сабаб бўлади.

Туман ер ахборот тизимида туман ерларининг ҳар бир участкаси бўйича мукамал маълумотлар базаси йиғилади, сақланади, қайта ишланади ҳамда давлат ва хусусий талабгорларга етказилади. Автоматлашган ер ахборот тизимини қуйидагича таърифлаш мумкин: — ер-кадастр ахборотини киритиш, унга ишлов бериш, сақлаш ва олишни таъминлайдиган дастурий техник воситалар, кўламли-атрибутив маълумотлар базалари мажмуидир. Асосий автоматлашган ер ахборот тизими - бу маълумотларни тизим доирасида бошқа, ер билан умумлаштирилган маълумотлар билан уйғунлаштириш имконини берувчи унификация қилинган координаталар тизимидир.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ўз самарасини беради. Замонавий талабларга жавоб берадиган давлат ер кадастрини юритиш ишларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

-топография-геодезия, картография, тупроқ, агрохимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишларда текшириш ва изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ва мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш ишларини замонавий технологиялар ва дастурлар асосида амалга оширилишини таъминлаш;

-ер мониторингини замонавий талаблар даражасида олиб бориш, маълумотларнинг ҳаққонийлигини ва сифатини таъминлаш мақсадида ер тузиш органларини замонавий геодезик ўлчов асбобларини ва янги технологиялар ҳамда дастурлар билан таъминлаш;

-тупроқ баҳолаш ишларининг сифати ва тезкорлигини таъминлаш мақсадида дала ва лаборатория асбоб-ускуналарини янгилаш мақсадида тупроқ тадқиқотлари билан шуғулланувчи ташкилотларни замонавий мобил лабораториялар, аналитик ускуналар ва реактивлар билан таъминлаш;

-республикадаги мавжуд фермер хўжаликларини сифатли тупроқ баҳолаш хариталари билан таъминлаш мақсадида «Панорама» дастурида ГАТ технологияларидан фойдаланилган ҳолда қисқа муддатларда тупроқ баҳолаш ишларини тугатиш ва фермер хўжаликларининг рақамли электрон тупроқ баҳолаш хариталарини тузиш;


-автоматлаштирилган ер маълумотлар тизимини яратиш, юритиш ва такомиллаштириш;

-ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратиш;

Однако, для определения минимальной толщины над железобетонной трубой проведены серии расчетов прочности труб от воздействия нагрузок А-10 и А-13, то есть определены напряжения в сечениях труб от временной транспортной нагрузки имеющий величины 10 т и 13 т но ось.

Результаты расчетов показали, что увеличение транспортной нагрузки от 10 т к 13 т привело к пересмотру толщину засыпки над трубой. При этом для автомобильных дорог общего пользования, дорог и улиц в городах, поселках и сельских населенных пунктах, а также промышленных предприятий толщину засыпки над звеньями железобетонных труб рекомендуется принимать не менее 0,55-0,6 м.

#### Список литературы

- [1]. ШНК 2.05.02-07. Автомобильные дороги. -Т.: Госархитектстрой, 2007.
- [2]. ШНК 2.05.03-11. Мосты и трубы. -Т.: Госархитектстрой, 2011.
- [3]. Анализ работы водопропускных труб с болтовыми соединениями с прорезями ТПП УССР, Харьков, отд-ние. - № 8800/7. -Харьков, 1986. - С. 34. - Пер. ст. из журн. Transportation Research Record, 1985. - № 1008. - Р. 22-32.

УДК 519.95

### НОТЕКИС ЁРИТИЛГАН РАҚАМЛИ ТАСВИРЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ АЛГОРИТМЛАРИ

М.Т. Тўхтасинов, Б.Б. Эргашев

Наманган муҳандислик-педагогика институти  
(Қабул қилинди 01.05.2014 й.)

*Мақолада ёрқинлиги нотекис бўлган рақамли тасвирларни нормаллаштириши алгоритмлари таклиф этилади. Алгоритмларни тасвирнинг гистограмма қийматларини таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқилди.*

**Таянч сўзлар:** рақамли тасвир, нотекис ёритилганлик, тасвир рангини нормаллаштириши, тасвир гистограммаси, тасвирни қайта ишлаш, таниб олиш.



В статье предлагаются алгоритмы нормализации цифровых изображений при неравномерных освещенностях. Алгоритмы разработаны на основе анализа значений гистограммы изображения.

**Ключевые слова:** цифровое изображение, неравномерное освещение, нормализация цветов изображения, гистограмма изображения, обработка изображений, распознавание.

*In this article the algorithms of normalization of digital images with roughly lightings are proposed. The algorithms were developed on the base of analysis of image histogram values.*

**Keywords:** digital image, non-uniform illumination, image color normalization, image histogram, image processing, recognition.

Бизга маълумки, ҳозирги кунда рақамли тасвирларни қайта ишлаш ва таниб олиш билан боғлиқ илмий-амалий масалаларни ҳал этишда бир қатор дастлабки ишлов бериш усулларидан фойдаланишга эҳтиёж туғилади. Тасвирларга дастлабки ишлов бериш орқали келгусида масалани аниқлик билан ҳал этиш имкониятлари яратилади.


Хусусан, ёритилганлиги нотекис бўлган тасвирларга дастлабки ишлов бериш орқали тасвирни нормаллаштириш масаласи долзарб илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ушбу мақолада ёрқинлиги нотекис бўлган тасвирларни нормаллаштиришнинг учта алгоритми таклиф этилади.

Ишлаб чиқилган алгоритмларни тасвирларни қайта ишлаш билан боғлиқ турли илмий-техник масалаларда қўллаш мумкин. Хусусан, биометрик технологиялар асосида одам шахсини идентификациялаш масаласида тасвирни нормаллаштиришнинг бир қатор усулларидан фойдаланилади [1-6].

Нотекис ёритилган тасвирларни, хусусан уларнинг гистограмма қийматларини таҳлил қиладиган бўлсак, шу нарса аён бўладики, бунда гистограмма ранг шкаласи бўйича рангларнинг тақсимланиши нотекис бўлади. Хусусан, тасвирда бир-бирига яқин рангда бўлган пикселларнинг кўпроқ улушда бўлиши нотекис ёритилганликка далолат бўлади.

1-расмда нотекис ёритилган тасвир ва унинг гистограмма ( $H$ ) қийматларини кўришимиз мумкин. Гистограммада ранг шкаласи бўйича тарқалган пикселлар миқдори бўйича оғирлик маркази ( $m_H$ ) ҳамда ранг шкаласи маркази ( $255/2=127$ ) узук чизикларда кўрсатилган.



1-расм. Ёрқинлиги нотекис тақсимланган тасвир ва унинг гистограммаси.

Ғоя шундан иборатки, ёрқинлиги нормал тасвирда иштирок этаётган ранглар  $0 \div 255$  оралиғида нормал тақсимланган бўлиши керак. Шунингдек, нормал тасвирнинг пикселлар

миқдори бўйича оғирлик маркази  $m_H$  127 га яқин бўлиши лозим. Алгоритмларни ишлаб чиқишда тасвир ранг қийматларини қайта ҳисоблаб чиқиш орқали  $m_H \rightarrow 127$  бўлишини, яъни оғирлик марказини ранг диапозони марказига яқинлаштиришни мақсад қилиб олинди.

Тадқиқотларимиз асосида ишлаб чиқилган алгоритмларни қуйида кўриб чиқамиз.

**Биринчи алгоритм** қуйидаги қадамлардан иборат бўлади:

**1-қадам.** Дастлабки параметрларни киритамиз, яъни:  $T = 127$ ,  $k = 100$ .

Бу ерда  $k$  – ранг қийматларини ўзгартирувчи параметр (тажрибаларда  $k = 100$  бўлганда кониқарли натижалар олинди).

**2-қадам.** Тасвирдаги ранглар бўйича  $f_{\min}$  - минимал ва  $f_{\max}$  - максимал ранг қийматларини аниқлаймиз.

**3-қадам.**  $T$  га нисбатан  $f_{\min}$  ва  $f_{\max}$  фарқларини ҳисоблаймиз, яъни:

$$d_{\min} = |f_{\min} - T|, \quad d_{\max} = |f_{\max} - T|.$$

**4-қадам.** Тасвирнинг ҳар бир координатаси бўйича пиксел ранг қийматларини янгидан ҳисоблаймиз:

$$g_{x,y}^{new} = \begin{cases} g_{x,y} + k \cdot \frac{|g_{x,y} - T|}{d_{\min}}, & \text{агар } g_{x,y} < T, \\ g_{x,y} - k \cdot \frac{|g_{x,y} - T|}{d_{\max}}, & \text{акс холда.} \end{cases}$$

Бу ерда  $g_{x,y}$  - тасвирнинг  $x,y$  координатасидаги ранг қиймати.

**5-қадам.** Тасвир гистограммаси  $H$  ни қурамиз. Гистограмма бўйича оғирлик маркази  $m_H$  ни топамиз ва уни  $T$  га ўзлаштирамиз, яъни  $T = m_H$ .

**6-қадам.** Агар  $k > 0$  бўлса,  $k = -k$  ва 2-қадамга ўтамиз.

*Иккинчи алгоритм* қуйидаги қадамлардан иборат бўлади:

**1-қадам.** Тасвир гистограммаси  $H$  ни қурамиз ва ундаги оғирлик маркази  $m_H$  ни аниқлаймиз.

**2-қадам.** Тасвирдаги ранглар бўйича  $f_{\min}$  - минимал ва  $f_{\max}$  - максимал ранг қийматларини аниқлаймиз.

**3-қадам.** Фарқни ҳисоблаймиз, яъни:  $d = |m_H - 127|$ .

**4-қадам.** Тасвирнинг ҳар бир координатаси бўйича пиксел ранг қийматларини янгидан ҳисоблаймиз:

$$g_{x,y}^{new} = \begin{cases} (f_{\min} + d) + \frac{(g_{x,y} - f_{\min}) \cdot (255 - f_{\min} - d)}{f_{\max} - f_{\min}}, & \text{агар } m_H < 127, \\ \frac{(g_{x,y} - f_{\min}) \cdot (255 - d)}{f_{\max} - f_{\min}}, & \text{акс холда} \end{cases}$$

*Учинчи алгоритм* қуйидаги қадамлардан иборат бўлади:

**1-қадам.** Тасвир гистограммаси  $H$  ни қурамиз ва ундаги оғирлик маркази  $m_H$  ни аниқлаймиз.

**2-қадам.** Тасвирдаги ранглар бўйича  $f_{\min}$  - минимал ва  $f_{\max}$  - максимал ранг қийматларини аниқлаймиз.

**3-қадам.**  $k$  ва  $d$  параметрларни аниқлаймиз, яъни:  $k = \frac{f_{\max} - f_{\min}}{2}$ ,  $d = |m_H - 127|$ .

**4-қадам.** Тасвирнинг ҳар бир координатаси бўйича пиксел ранг қийматларини янгидан ҳисоблаймиз:

$$g_{x,y}^{new} = \begin{cases} g_{x,y} + k \cdot \frac{m_H - g_{x,y}}{f_{\max} - f_{\min}}, & \text{агар } R < m_H, \\ g_{x,y} - k \cdot \frac{g_{x,y} - m_H}{f_{\max} - f_{\min}}, & \text{акс холда.} \end{cases}$$

**5-қадам.** Тасвирнинг ҳар бир координатаси бўйича пиксел ранг қийматларини янгидан ҳисоблаймиз:

$$g_{x,y}^{new} = \begin{cases} g_{x,y} + d, & \text{агар } m_H < 127, \\ g_{x,y} - d, & \text{акс холда.} \end{cases}$$

**6-кадам.** Тасвирдаги ранглар бўйича  $f_{\min}$  - минимал ва  $f_{\max}$  - максимал ранг қийматларини аниқлаймиз.

**7-кадам.**  $k$  параметрни аниқлаймиз, яъни:  $k = \text{Min}\{f_{\min}, (255 - f_{\max})\}$ .

**8-кадам.** Тасвирнинг ҳар бир координатаси бўйича пиксел ранг қийматларини янгидан ҳисоблаймиз:

$$g_{x,y}^{new} = \begin{cases} g_{x,y} - k \cdot \frac{127 - g_{x,y}}{f_{\max} - f_{\min}}, & \text{агар } R < 127, \\ g_{x,y} + k \cdot \frac{g_{x,y} - 127}{f_{\max} - f_{\min}}, & \text{акс холда.} \end{cases}$$

Ишлаб чиқилган алгоритмлар бир қатор нотекис ёритилган тасвирлар учун қўллаб кўрилди. Хусусан, юз тасвирларининг “yalefaces” базасидаги бир нечта тасвирлари ҳамда бошқа тасвирлар учун алгоритмлар синовдан ўтказилди. Алгоритмлар натижаларининг айримларини 1-жадвалда кўришимиз мумкин. Жадвалнинг 1-устунида берилган (нотекис ёритилган) тасвир, 2-устунида 1-алгоритм натижаси, 3-устунида 2-алгоритм натижаси ва 4-устунида 3-алгоритм натижаси келтирилган.

Олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1-алгоритм натижалари шуни кўрсатдики, алгоритм асосида ишлов берилгандан сўнг тасвирдаги ранглар  $0 \div 255$  оралиғида тақсимланди. Бу яхши. Гистограмма оғирлик маркази 127 га яқинлашди, лекин айнан устма-уст тушмади. Шу сабабли тасвирнинг дастлабки ҳолатида гистограмманинг оғирлик маркази жойлашган томонида яна ранглар миқдори улуши бироз кўплиги сақланиб қолди. Шунингдек, рангларнинг текис тақсимланишида бироз хатоликлар учради. Бу айниқса, рангли тасвирларда сезилади.

2-алгоритмда ранглар текис тақсимланди, лекин тасвирдаги ранглар  $0 \div 255$  оралиғида тақсимланмади. Яъни, тасвир дастлабки ҳолатида оғирлик маркази жойлашган томонда ранг диапазони қисқариб кетди. Гистограмма оғирлик маркази 127 га яқинлашди, лекин айнан устма-уст тушмади.

3-алгоритмда ҳам ранглар текис тақсимланди, лекин тасвирдаги ранглар  $0 \div 255$  оралиғида бўлмади. Гистограмма оғирлик маркази 127 га айнан устма-уст тушди.

Тадқиқотлар асосида шундай хулосага келиндики, ишлаб чиқилган алгоритмларнинг ўзига хос ютуқлари ва камчиликлари бор. Улардан фойдаланишда қўйилган масаланинг маъно-моҳиятидан келиб чиқиб, алгоритмни ташлаш зарур.

Ўз навбатида, ҳар томонлама қониқарли натижаларни олиш учун албатта, келгусида ушбу ишлаб чиқилган алгоритмларни янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар

- [1] Фазылов Ш.Х., Тухтасинов М.Т., Раджабов С.С., Шамсиев М.Г. Локализация лица и определение координат центров зрачков на изображении // Вестник ТУИТ, №4, Ташкент, 2007, -С.44-46.
- [2] Фозилов Ш.Х., Тўхтасинов М.Т. Биометрик компьютер тизимлари ҳақида // “Информатика ва энергетика муаммолари”, Ўзб. журнали, №1, Тошкент, 2011, 3-8 б.
- [3] Тухтасинов М.Т., Эсонтурдиев М.Н., Алтынбеков С.Э. Вопросы предварительной обработки изображений в задачах биометрической идентификации личности // Международная научная конференция «Интеллектуальные системы принятия решений и проблемы вычислительного интеллекта», ISDMCI'2012, Сборник научных трудов, Евпатория, 2012, С.426-428.
- [4] Грузман И.С., Киричук В.С., Косых В.П., Перетягин Г.И., Спектор А.А. Цифровая обработка изображений в информационных системах: Учебное пособие.- Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2000. – 168с.
- [5] Pratt, William K. Digital image processing : PIKS Scientific inside / William K. Pratt.—, 4th ed., 2007.
- [6] [6]. Rafael C. Gonzalez, Richard E. Woods, Digital Image Processing, Prentice Hall. -2002. -793 p.

УДК.334.75:338

**ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КИЧИК БИЗНЕС  
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ  
(ПОП ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

И.У. Ибрагимов, Я. Рахимов

*Наманган муҳандислик-технология институти  
(Қабул қилинди 01.05.2014 й.)*

*Мақолада истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг ривожлантириши истиқболлари ёритилган.*

**Таянч сўзлар:** *истеъмол товарлари, кичик бизнес, ишлаб чиқарувчи, субъект, ривожлантириш фондлари, тадбиркорлик, хусусий сектор, кичик корхона, кўчмас мулк, заҳира фондлари.*

*В статье освещены перспективы развития производства потребительских товаров малого бизнеса.*

**Ключевые слова:** *продовольственные товары, малый бизнес, производитель, субъект, нарастающие фонды, предприниматель, частный сектор, малое предприятие, недвижимость, резервный фонд.*

*The prospect of development manufacture of consumer goods of small businesss is enlightened n the article.*

**Keywords:** *food products, small business, manufacturer, subject increasing funds, businessman, private (individual) sector, small enterprise, real estate, reserve fund.*

Кичик бизнес бу хўжалик юрителининг мустақил мавжуд бўладиган ва фаолият юритадиган шаклидир. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва турларини мустақил белгилаши, уни ўз ихтиёрига кўра сотиши, товарлар ва хизматларга нархларни белгилаши, ривожлантириш фондлари, ижтимоий соҳа, резерв фондларига фойда ажрамаларини белгилаши, ёлланма ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари ва миқдорларини мустақил белгилаши мумкин.

Агар 2005-2012 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5,2 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда [1].

Шундай қилиб, кичик корхона хўжалик юритувчи субъектининг янги шакли эмас, балки бошқа корхоналардан кичикроқ кўламли билан фарқланади. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонунлар, Республика Президентининг тегишли фармонлари тадбиркор, бизнесмен ва хусусий сектор вакилларининг қонуний манфаатлари ҳимоясини тўла таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу мақсадда 2011 йил - “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниб, хусусий ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Прокуратура органлари зиммасига эса, ушбу йўналишдаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлашдай масъулиятли вазифалар юклатилмоқда [2].

Поп тумани Наманган вилояти таркибида ҳудуди жиҳатидан энг катта бўлиб, вилоят майдонининг 43,8 фоизи, аҳолисининг 10-12 фоизини ва яйловларининг асосий қисмини ташкил этади.

Поп туманида 2012 йилда жами ягона давлат рўйхатидан ўтган ҳуқуқий шахс мақомига эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 2476 тани, шундан 2407 таси кичик бизнес

субъектлари бўлиб, буларнинг 2284 таси (жамига нисбатан 94,9 %) микрофирмалар, 123 таси (5,1 %) кичик корхоналардир.

Туманда жами ягона давлат рўйхатига олинган юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан 2342 таси иқтисодий тармоқларида фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг 2273 таси кичик бизнес субъектлари, шундан 2151 таси микрофирмалар, 122 таси кичик корхоналардир.

2012 йилда 136 та янги хўжалик субъектлари ташкил этилиб, 45 таси давлат рўйхатидан чиқарилди.

Туманда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодийдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришга эришилган. Иқтисодийнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда.

2012 йилда Поп туманида давлат рўйхатидан ўтган 2407 та кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, ҳозирда 2273 таси фаолият кўрсатмоқда. Шундан микрофирмалар 2138 тани, кичик корхоналар 135 тани ташкил қилади.

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида жами 26 та тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Жумладан, тижорат банкларининг 4 та филиал ва бўлимлари, 13 та мини банклар, 1 та ахборот-маслаҳат марказлари, 1 та консалтинг хизмати, 4 та суғурта идораларининг вакиллиги, 1 та ўқув марказлари, Товар хом-ашё биржасининг 1 та савдо майдончаси 1 та брокерлик идоралари тадбиркорларга хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Шу билан бирга, Поп туманида ишлаб чиқариш билан шуғилланувчи кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашни ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

-субподряд тизимини ривожлантириш мақсадида, тармоқ тузилмаларини маҳаллий ҳокимият ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тузилмалари билан ахборот алмашилиши бўйича ҳамкорликни шакллантириш лозим. Инновацияларни тадбиқ этишни ривожлантириш мақсадида янги яратилган техникани йирик корхонани майдонларига жойлаштириш керак. Кейинги поғонада ўзини иқтисодий жиҳатдан оқлаган технологиядан бошқа йирик корхоналарда фойдаланиш мумкин;

-франчайзинг ривожлантириш учун Ўзбекистонда франчайзинг умумий овқатланиш, маиший хизмат ва улгуржи савдода ривожлантириш мумкинлигини эътиборга олиб, қурилиш, автомобил ва меҳмонхона бизнесида ҳам франчайзинг тизимларини қўллаш мумкин. Маҳаллий франчайзинг тизимини ривожлантириш мақсадида ҳокимият органларини имтиёزلарни киритиш бўйича меъёрий ҳужжатларда, методик материаллар ва таклифларни тайёрлашга талаб қилиш зарур [3].

Шунингдек, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили қабул қилинадиган дастурда устувор йўналишлар каторига интеграцион қўллаб-қувватлашни ҳам кўшиш ўринли бўлади.

Фикримизча, тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш борасида ялпи мақсадли дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш даркор. Бу дастур мамлакат минтақаларида кичик ва хусусий бизнеснинг фаолият юритиши учун умумбозор шарт-шароитларини яратишга қаратилиши лозим. Дастурда минтақавий омилларга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Улар минтақавий иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифалари билан осон боғланиши зарур. Ушбу вазифаларда маҳаллий бозорларни шу ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, меҳнатга яроқли аҳолининг қатта қисмини иш билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш каби вазифаларни алоҳида ажратиш мумкин ва ҳоказо [4].

**Поп туманида давлат рўйхатидан ўтган ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган субъектларнинг соҳалардаги табақалашуви**

1-жадвал

Тармоқлар	Жами	Шу жумладан		
		Микро	Кичик	Бошқалар
Саноат	121	111	6	4
Қишлоқ хўжалиги	1608	1562	43	3
Ўрмон хўжалиги	1	-	-	1
Транспорт ва алоқа	30	26	2	2
Курилиш	66	59	7	0
Улгуржи савдо	37	33	2	2
Савдо ва умум-овқатланиш	425	390	33	2
Тайёрлов	2	2	-	-
Ахборот-ҳисоблаш хизмати	7	7	-	-
Умумий тижорат амалиёти	33	33	-	-
Кўчмас мулк амалиёти	5	5	-	-
Бошқа турлари	1	1	-	-
Уй-жой ва коммунал	27	25	-	2
Маиший хизмат	7	7	-	-
Соғлиқни сақлаш	48	16	17	15
Халқ таълими соҳаси	54	4	12	38
Маданият соҳасида	4	3	1	-
Молия соҳасида	-	-	-	-
Бошқарувда	-	-	-	-
Жамоат бирлашмалари	-	-	-	-
<b>Жами</b>	<b>2476</b>	<b>2284</b>	<b>123</b>	<b>69</b>

Туман идораларининг кичик ва хусусий бизнес субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини доимо такомиллаштириб бориш лозим. Назаримизда, кичик ва хусусий бизнес соҳасидаги вазиятни таҳлил қилишни ахборотлар билан таъминловчи тизим даражали бўлиши керак:

-умумвилоят жамлаш даражаси;

-худудий-тармоқ даражаси, бунда тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқараётган товарлари ва хизматларига қараб, туманлар бўйича жойлаштириш акс эттирилади;

-кичик ва хусусий бизнеснинг муайян корхоналари даражаси.

Кичик бизнеснинг ривожланишини таҳлил қилишдаги энг долзарб масала, назаримизда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг давомийлигини шаҳар миқёсида ва айни пайтда тармоқлар туманлар ва фаолият турлари бўйича мониторинг қилишдан иборатдир.

Интернет тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган, доимий янгиланиб боровчи ахборот саҳифасини ташкил этиш ва ушбу орқали:

– тадбиркорлик субъектларининг интерактив мулоқотларини (форум);

– рўйхатга олувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан қилинган ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан шикоятлар юборилишини;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида ахборотлар олиш имкониятини таъминлаш [6];

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига ижтимоий, ахборот-консалтинг, солиқ, коммунал, ишга жойлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятига оид бошқа хизматларни кўрсатиш мақсадида туманда **“Ягона ойна”** марказини ташкил этиш;

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорлик фаолияти ва фермерликни ривожлантиришга йўналтирилган грант лойиҳаларини амалга ошириш;

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ва янги бизнес очиш бўйича керакли маълумотларни ўз маълумотларни ўз ичига олган махсус қўлланма ва бюллетен-лар чоп этиш [5].

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш ҳудудларда кичик бизнес субъектларини ривожланишига ижобий таъсир этади.

### Адабиётлар

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросими
- [2] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари -Т: “Ўзбекистон”, 2009. -Б. 46.
- [3] Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В. Ўзбекистон-иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. -Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.
- [4] Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. -Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б.
- [5] Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.:”Ўзбекистон”. 2009. 216-б.
- [6] Савченко В. Фономены предпринимательства. Рос., Экон, журнал. 2009. № 9, 46-б.

УДК 621.914.37.

## ВЛИЯНИЕ ШИРИНЫ ФРЕЗЕРОВАНИЯ НА ПОГРЕШНОСТИ ФОРМООБРАЗОВАНИЯ ПРИ ОБРАБОТКИ ФАСОННЫХ ПОВЕРХНОСТЕЙ

Я.А. Ботиров, У.Й. Умурзаков, Ш.Э. Рахимов

*Ферганский политехнический институт  
(Получена 15.05.2014 г.)*

*Ушбу мақолада торецли фреза билан мураккаб шаклдор юзаларга ишлов беришдаги хатоликларни камайтириши тўғрисида назарий изланишлар натижалари келтирилган.*

**Таянч сўзлар:** *Шакл ҳосил қилиш хатолиги, ишлаб чиқариш хатолиги, базалаш нуқтаси, цилиндрик юза.*

*В статье изложены теоретические сведения по уменьшению погрешности при формообразовании фасонных поверхностей торцевыми фрезами.*

**Ключевые слова:** *Погрешность формообразования, погрешность обработки, базовая точка, цилиндрическая поверхность.*

*In the article is given the theoretical information on reducing errors at forming the shaped surfaces by front cutters.*

**Keywords:** *Shaping error, error working out, basic point, cylindrical surface.*

Замкнутые поверхности у деталей, незамкнутые прямолинейно-фасонные поверхности чаще всего обрабатывают фрезерованием по разметке или при помощи копировальных устройств. Обработка производится обычно при двух движениях, из которых одно получается от соответствующей механической подачи станка; а второе-от копира; к последнему все время прижимается ролик, жестко связанный с частью станка, которому сообщается подача где, можно работать и с ручной подачей.

Объемной фрезерование по копиру или по специально изготовленной модели производится на специальных копировально-фрезерных станках.

Будем определять погрешность формообразования в сечении  $Y_1 = \text{const}$ , примем, что этот сечение проведено таким образом, что профилирующая окружность пересекается с ним в точке С. Поверхность детали в окрестности базовой точки А можно считать круглым цилиндром радиуса  $R_A$ . Поэтому при обработке рассматриваемого куска поверхности детали профилирующая окружность будет вращаться вокруг оси  $Y_1$ . В плоскости  $Y_1 = \text{const}$  точка С профилирующей окружности опишет окружность радиуса  $R_C$ , которая будет располагаться на обработанной поверхности детали. Аналогичным образом могут быть найдены радиусы

окружностей поверхности реальной детали в других сечениях, параллельных плоскости  $V$ . Так, в сечении  $Y_1 = \text{const}$ , проходящим через опорную точку  $A$ , радиус детали будет равен  $\rho_B$ . Образующую цилиндрической поверхности детали, проходящую через опорную точку  $A$ , профилирующая окружность пересекает в двух точках  $E$  и  $M$ . В сечениях  $Y_1 = \text{const}$ , проходящих через эти точки, радиусы детали будут равны заданной величине  $\rho$ .

Истинная величина профиля  $C_1 M_1 B_1 C_1$  поверхности детали находится в проекции на плоскость  $H$  по известным радиусам  $\rho_A, \rho_C, \rho_B$  и соответствующим расстояниям между секущими плоскостями  $Y_1 = \text{const}$ . Погрешность формообразования профиля  $\Delta_n$  определяется как разность радиуса обработанной детали в рассматриваемом сечении  $Y_1 = \text{const}$  и заданного радиуса профиля  $\rho_A$ .

Так, в сечении, проходящем через точку  $C$ , погрешность формообразования будет равна  $\Delta_{nc}$ , а в сечении, проходящем через опорную точку  $A$ , погрешность формообразования будет равна  $\Delta_{nc}$ ,

$$\begin{aligned}\Delta_{nc} &= \rho_C - \rho_A, \\ \Delta_{nb} &= \rho_B - \rho_A\end{aligned}$$

Рассматривая приведенное графическое решение, можно получить следующие формулы для расчета погрешности обработки  $\Delta_n$  при известных величинах  $R_\phi, \rho_A, h$  в произвольном сечении  $Y_1 = \text{const}$ .

Погрешность  $\Delta$ , измеряемая по линии пересечения плоскости – и сечения  $Y_1 = \text{const}$ , будет равна

$$\Delta = h - R_\phi \cos \eta = R_\phi (K_1 - \cos \eta),$$

где

$$\sin \eta = \frac{Y_1}{R_\phi}$$

Погрешность  $\Delta$  может быть, в зависимости от величины  $K_1$  и  $\cos \eta$ , как положительной, так и отрицательной. При равенстве величин  $K_1$  и  $\cos \eta$  она будет равна нулю. Величина  $Y_1$ , при которой погрешность  $\Delta$  будет равна нулю, будет определяться таким образом:

$$K_1 = \cos \eta = \sqrt{1 - \sin^2 \eta}$$

Следовательно,

$$K_1 = \sqrt{1 - \left(\frac{Y_1}{R_\phi}\right)^2}$$

Отсюда

$$Y_1 = \pm R_\phi \sqrt{1 - K_1^2}$$

Для сечения, у которого  $|Y_1| > |R_\phi \sqrt{1 - K_1^2}|$  величина  $\Delta$  будет положительной, а в пределах  $R_\phi \sqrt{1 - K_1^2} < Y_1 < +R_\phi \sqrt{1 - K_1^2}$  она будет отрицательной.

Погрешность профиля  $\Delta_n$ , определяется таким образом:

$$\Delta_n = \rho_A \left( \frac{1}{\cos \tau} - 1 \right),$$

где

$$\text{tg} \tau = \frac{\Delta}{\rho_A}$$

Погрешность профиля  $\Delta_n$  всегда будет, при рассматриваемой схеме обработки, положительной, независимо от знака погрешности  $\Delta$ . Максимальная величина погрешности  $\Delta_n$  будет при максимальной абсолютной величине погрешности  $\Delta$ . На заданном участке  $L$  обрабатываемой детали экспериментальные величины погрешностей имеют место в точках  $C$  и  $B$  профиля детали. Они соответственно равны:

Погрешность в точке  $C$  будет:



$$\Delta_{нс} = \rho_A \left( \frac{1}{\cos \tau_c} - 1 \right),$$

где

$$\operatorname{tg} \tau_c = \frac{\Delta_c}{\rho_A}$$

$$\Delta_c = R_\Phi (K_1 - \cos \eta_c) = h - R_\Phi \cos \eta_c$$

$$\operatorname{ctg} \eta_c = \frac{1}{2R_\Phi}$$

Погрешность в точке В при  $Y_1=0$ , будет

$$\Delta_{нв} = \rho_A \left( \frac{1}{\cos \tau_B} - 1 \right),$$

где

$$\operatorname{tg} \tau_B = \frac{\Delta_B}{\rho_A}, \quad \Delta = h - R_\Phi$$

При обработке целесообразно положение центра профилирующей окружности, то есть величину  $h$ , выбрать таким образом, чтобы погрешности  $\Delta_n$  в точках С и В были одинаковыми:

$$\Delta_{нс} = \Delta_{нв}$$

или

$$\rho_A \left( \frac{1}{\cos \tau_c} - 1 \right) = \rho_A \left( \frac{1}{\cos \tau_B} - 1 \right)$$

Отсюда  $|\tau_c| = |\tau_B|$  или  $|\Delta_c| = |\Delta_B|$

Следовательно,

$$R_\Phi - h = h - R_\Phi \cos \eta_c$$

Отсюда

$$h = \frac{R_\Phi (1 + \cos \eta_c)}{2},$$

где

$$\operatorname{ctg} \eta_c = \frac{1}{2R_\Phi}$$

Таким образом, путь фрезы, повторяющей шупа, состоит как бы из ряда весьма малых, незаметных на глаз ступеней, которые позволяют вести копирование с точностью 0,01-0,02 мм. У копировально-фрезерного станка достигается изменением токов возбуждения электромеханических усилителей.

#### Список литературы

- [1] Минаев А.М. Обработка металлов резанием. – Тамбов: Изд-во ТГТУ, 2005. – 96с.
- [2] Горчакова С.А., Килин В.А., Тарасов В.В. Обработка резанием. – Владивосток: Изд-во МорГУ, 2006. – 88с.

УДК 631.331

### ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА БҒҒДОЙ ЭКАДИГАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ИШ ОРГАНЛАРИ ОРАСИДАГИ БҒЙЛАМА МАСОФАНИ АСОСЛАШ

А. Ибрагимов

*Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти  
(Қабул қилинди 26.05.2014 й.)*

*Мақолада ғўза қатор ораларига бир йўла ишлов бериш ва донни қаторлаб экишни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг бир томонлама ясси кесувчи ва юмшатовчи панжалари орасидаги масофани асослаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.*

**Таянч сўзлар:** ғўза қатор ораларига бир йўла ишлов бериш ва донни қаторлаб экишни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат, ғўза қатор ораларига ишлов берувчи иш органлари, бир томонлама ясси кесувчи панжа, юмшатувчи панжа, улар орасидаги масофа.

В статье приведены результаты исследований по обоснованию расстояния между односторонней плоскорезущей и рыхлительной лапами комбинированного агрегата для одновременной обработки междурядий хлопчатника и рядового сева зерновых.

**Ключевые слова:** комбинированный агрегат для одновременной обработки почвы и сева зерновых в междурядья хлопчатника, рабочие органы для обработки почвы, односторонняя плоскорезущая лапа, рыхлительная лапа, расстояние между ними.

Results of the studies are brought in the article on substantiation of the distance between unilateral flat hoe and cultivator point multifunction unit for simultaneous processing row-spacing cotton plant and ordinary sowing corn.

**Keywords:** the multifunction unit for simultaneous processing of ground and sowing corn in row-spacing of the cotton plant, operative parts for processing of ground, unilateral flat hoe, cultivator point, distance between them.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида ғўза қатор ораларига бир йўла ишлов бериш ва мавжуд агротехника талаблари бўйича қаторлаб дон экишни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилди [1]. Бу агрегат даладан бир ўтишда ғўза қатор оралари тупроғини 15-18 см чуқурликда юмшатади, экиш эгатларини очади ҳамда уларнинг ён бағирларига қаторлаб дон экиб кетади.

Ушбу мақолада ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегатнинг ясси кесувчи панжаси ҳамда уни орқасига ўрнатилган айланма юмшатувчи панжаси орасидаги бўйлама масофа  $L$  ни (1-расм) асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Шунини таъкидлаш лозимки, агар бу масофа етарли бўлмаса иш органлари орасига тупроқ, бегона ўтлар ва ғўза барглари ва шохларини тикилиши кузатилиб, улар белгиланган технологик жараёни сифатли бажармайди, тортишга катта қаршилик кўрсатади, уни керагидан ортиқча бўлиши эса металлхажмдорлик ортишига олиб келади.

Иш органлари тикилмасдан ишлаши учун улар орасидаги бўйлама масофа қуйидаги шартдан аниқланади:

$$L \geq l_1 + a \operatorname{ctg} \gamma + b_n \operatorname{tg} \beta_n + l_0, \quad (1)$$

бунда  $l_1$  – бир томонлама ясси кесувчи панжа жағи пастки қисмининг узунлиги;

$a$  – бир томонлама ясси кесувчи панжа жағидан юмшатувчи панжагача бўлган кўндаланг масофа;

$b_n$  – бир томонлама ясси кесувчи панжа пичоғи ишчи сиртини узунлиги;


$\gamma$  – бир томонлама ясси кесувчи панжа пичоғининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги;

$\beta_n$  – бир томонлама ясси кесувчи панжанинг увалаш бурчаги;

$l_0$  – юмшатувчи панжа таъсири остида тупроқ деформациясини бўйлама йўналишда тарқалиш масофаси.

Адабиётлардан маълумки,

$$l_0 = h_{ю} \operatorname{ctg} \psi, \quad (2)$$



1-расм. Бир томонлама пичоқ ҳамда уни орқасидан ўрнатилган юмшатувчи панжа орасидаги бўйлама масофани аниқлашга доир схема.

бунда  $h_{ю}$  – юмшатувчи панжани тупроққа ботиш чуқурлиги;  
 $\psi$  – тупроқни бўйлама синиш (силжиш) бурчаги.

$$\psi = \frac{\pi}{2} - \frac{1}{2}(\beta_{ю} + \varphi + \rho), \quad (3)$$

бунда  $\beta_{ю}$  – юмшатувчи панжани уваланиш бурчаги;  $\varphi, \rho$  – мос равишда тупроқнинг ташқи ва ички ишқаланиш бурчаклари; (2) ва (3) ифодаларни ҳисобга олганда (1) ифода куйидаги кўринишга эга бўлади [2].

$$L \geq l_1 + actg\gamma + b_n tg\beta_n + h_{ю} tg \frac{1}{2}(\beta_{ю} + \varphi + \rho). \quad (4)$$

Бу ифодадан кўриниб турибдики, иш органлари орасидаги бўйлама масофа бир томонлама ясси кесувчи панжа жағи пастки қисмининг узунлигига, унинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш ва увалаш бурчакларига, ишчи сиртини узунлигига, бир томонлама ясси кесувчи панжа жағидан юмшатувчи панжагача бўлган кўндаланг масофага, юмшатувчи панжанинг тупроққа ботиш чуқурлигига ва унинг увалаш бурчагига ҳамда тупроқнинг ишқаланиш бурчакларига боғлиқ экан.

(4) ифодага  $l_1=7$  см,  $a=10$  см,  $\gamma=30^\circ$ ,  $b_n=4,5$  см,  $\beta_n=15^\circ$ ,  $h_{ю}=0,1$  м, ва  $\beta_{ю}=30^\circ$ ,  $\varphi=30^\circ$  ва  $\rho=40^\circ$  кўйиб, иш органлари орасидаги масофа камида 37,4 см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Демак, комбинациялашган агрегат иш органлари орасига тупроқ, бегона ўтлар ҳамда ёўза барглари ва шохларини тикилмасдан ишлаши учун улар орасидаги бўйлама масофа 37,4 см дан кам бўлмаслиги лозим.

#### Адабиётлар

- [1] ТухтакузиевА., КарахановА., ИбрагимовА. Агрегат для подготовки почвы и сева зерновых культур в междурядья хлопчатника/Шоли ва дуккали дон экинлари етиштиришнинг муаммолари ва истикболлари: Селекция, уруғчилик, агротехника ва жорий қилиш: Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2013. – Б.131-133.
- [2] Кленин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – М.: Колос, 2005. – 671 с.

### **ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГРАФИКАСИ ФАНИНИ СИФАТЛИ ВА САМАРАЛИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ТРЕНАЖЁРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

Х. Абидов, М. Хамрокулова

*Тошкент архитектура қурилиш институти  
 (Қабул қилинди 31.05.2014 й.)*

*Ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда “Чизма геометрия ва инженерлик графикаси” фанини янада қизиқарлироқ ва кенгайтирилган ҳолда талабаларга етказиб бериши учун замонавий таълим воситаларидан унумли фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ушбу мақолада электрон тренажёрдан фойдаланиш усуллари ва чизма геометрия эпюрларини электрон доскада чизиш усуллари ва қулайликлари кўрсатилган.*

*Мақола “Чизма геометрия” дарсларини сифатли ва самарали ўтишида ўқитувчилар ва тингловчилар фойдаланишлари учун мўлжалланган.*

**Таянч сўзлар:** *проекция, фазо, нуқта, текислик, туташма. тўғри чизик, электрон қалам, стандарт шакл, ортогонал проекция, туташма радиуси, туташма маркази, вертикал чизик, горизонтал чизик, инструментлар панели, электрон тренажер-электрон доска.*

*Исходя из требований сегодняшнего дня уделяется особое внимание пользованию современными средствами обучения для более интересного и расширенного объяснения студентам предмета «Начертательная геометрия и инженерная графика». В этой брошюре указаны способы пользования электронным тренажёром и черчении эпюр на электронной доске.*

*Брошюра предназначена для пользования преподавателями для эффективного проведения уроков предмета «Начертательная геометрия» и для слушателей.*

**Ключевые слова:** проекция, точка, плоскость, сопряжение, пространство, прямая линия, радиус сопряжения, центр сопряжения, ортогональная проекция, стандартная фигура, панель инструментов, электронный карандаш, вертикальная линия, горизонтальная линия, электронный тренажёр-электронная доска.

*In demand of nowadays is paying special attention to using of modern means for more interesting and wide explanation to students on the subject of "Descriptive geometry and engineering graphics". There are indicated methods of using electronic board and drawing epures on electronic board in this booklet. This booklet is intended for teachers and students for effective using of their lesson on the subject of "Descriptive geometry".*

**Keywords:** projection, point, flat, integration, space, straight line, plane, radius connection, center of connection, vertical line, horizontal line, electronic trainer-electronic board.

Чизма геометрия ва инженерлик графикаси ўқув фанида ўтиладиган дарсларнинг янги педагогик технологиялар асосида яратилишида асосан таълим воситалари муҳим ўрин тутди. Асосий қисм: нуқтанинг фазодаги ўринларини проекциялари бўйича аниқлаш, тўғри чизиқнинг проекциялари, текисликларнинг ўзаро жойлашуви, эпюрни қайта тузиш усуллари, сиртлар, фазовий шаклларни текисликка проекциялаш, эгри чизиқлар ва бир неча геометрик ясашлардан иборат.

Чизма геометрия эпюрларини ва инженерлик графикаси чизмаларини компьютер графикасидан ва электрон тренажёрдан фойдаланиб чизиш усуллари бир мисол орқали куйидагича тушунтириш мумкин:

Эгри чизиқлар бобидан икки айлананинг туташтириш мавзусига оид бир чизмани чизилишини қисқача кўриб чиқамиз.  $R_1$  ва  $R_2$  радиусли икки айланани  $R_t$  радиуси билан туташтириш топширилган.

### 1. Форматга чизиш усули:

Туташма радиуси  $R_t$  ва биринчи айлана радиуси  $R_1$  иккинчи айлана радиуси  $R_2$  берилган. Белгиланган жойга чизғич ёрдамида марказий ўқ чизиқларни чизиб олганимиздан кейин,  $O_1$  марказдан циркул ёрдамида  $R_1$  орқали биринчи айлана,  $O_2$  марказдан  $R_2$  орқали иккинчи айланани чизиб оламиз.  $O_1$  марказдан  $R_1 + R_t$  радиус орқали ёй чизиб,  $O_2$  марказдан  $R_2 + R_t$  радиус орқали чизилган ёй билан кесишган нуқтани туташма маркази  $O_t$  қилиб белгилаймиз. Туташма маркази  $O_t$  ни айлана марказлари  $O_1$  ва  $O_2$  га йўналтирганимизда айланаларда туташтириш нуқталари  $T_{n1}, T_{n2}$  ҳосил бўлади. Математик ҳисобларга кўра туташма марказидан туташтириш нуқталарига бўлган масофа бир-бирига тенг, яъни  $R_t$  га. Циркул ёрдамида  $R_t$  радиуси орқали  $O_t$  марказдан икки айланани туташтирувчи  $T_{n1}, T_{n2}$  нуқталар орқали ёй чизилади ва туташма ҳосил бўлади.

### 2. Электрон доскада чизиш усули:

Электрон доскада чизма чизишда **Write Boord** тизимидан фойдаланамиз, яъни чизғич, циркул ва бошқа ўқув қуролларини электрон кўринишидан фойдаланилади. Электрон қалам ёрдамида чизиқлар командасидан ўқ чизиқни танлаб марказий чизиқлар чизамиз. Циркулни чақириб  $R_1$  ёки  $R_2$  радиусига созлаймиз. Циркулни кўчириш, ўлчам қўйиш, айлана чизиш нуқталаридан фойдаланиб  $O_1$  ва  $O_2$  га айлана чизамиз. Айланага ёки ёки бошқа чизиқларга ҳар хил ранг танлаб қўйиш мумкин. Ўқув қуроллар панелидан чизғични чақириб  $R_1 + R_t$  ва шунга ўхшаш керакли ўлчамларни доскада аниқланади. Чизғичдаги нуқталар орқали уни узунлигини ўзгартириш, кўчириш, керакли ҳолатга айлантириш, вақтинчалик ўчириб қўйиш мумкин. Ҳар бир ўқув қуролнинг электрон кўринишида ўзига хос нуқталар мавжуд. Улардан унумли фойдаланиб туташмани юқорида кўрсатилгандай бажарилса, вақтнинг тенг ярмини тежаймиз ва энг муҳими тингловчи чизмани осонроқ тушунади.

### 3. Компьютерда чизиш усули:

Компьютер графикасида асосан AutoCAD тизимидан фойдаланамиз. Компьютер сичқончаси ёрдамида **Line** командасига кириб мониторга бошланғич нуқтани чап тигмача орқали белгилаймиз. Керакли масофани клавиатурага териб **Enter** босилса, аниқ ўлчамдаги чизиқ ҳосил бўлади. **Послою** командасига кириб ўқ чизиқ ёки штрих

чизикларни танлаб қўйиш мумкин. Вертикал ва горизонтал чизиклар орқали  $O_1$  ва  $O_2$  марказларни белгилаб оламиз. Ўқув куроллар панелидан компьютер сичқончаси ёрдамида **айлана** командасини танлаймиз ва монитордаги белгиланган  $O_1$  марказда келтириб яна чап тугмачани босамиз. Клавиатурага  $R_1$  радиусини рақамини териб **Enter** босилса биринчи айлана тайёр бўлади.  $R_2$  радиуси орқали иккинчи айланани ҳам чизиб олганимиздан кейин сичқонча ёрдамида **туташма** командасига кирамиз, клавиатурага **TTR** командасини **Enter** босилади, биринчи ва иккинчи айланаларга туташтириш нуқталари тахминан белгиланади, клавиатурага  $R_t$  туташма радиуси терилади ва **Enter** босилса биринчи ва иккинчи айланаларни туташтирган айлана ҳосил бўлади, фақат **қирқиш** командаси орқали туташтирувчи айлананинг туташтириш нуқталаридан ташқи қисми ўчириб ташланса, берилган  $R_1$  ва  $R_2$  радиуси икки айланани  $R_t$  радиуси билан туташтирилганлигини кўриш мумкин.

Юқорида кўрилган учта ҳолатда айнан бир график ишни бажардик, лекин ҳар бир ҳолатда ҳам талабага чизма чизишнинг муаъян қоидаларини маъруза дарсларида пухта ўргатиш лозим. Маъруза дарсларини оддий доскада ўтилганда етарли тажрибага эга бўлинса-да, электрон доскада ўтилганда усуллар ўзгаради. Компьютер графикасида эса усуллар бутунлай бошқача.

Чизма геометрия эпюрларини чизиш учун электрон доскада **White Board** ва **Trade Board** программаларидан фойдаланамиз. Куйида электрон доскадан фойдаланиш усуллари келтирилган.

**White Board Software** программасига электрон тренажёр тармоққа улангандан кейин **Login** орқали шу программага иш бошлаш мумкин. Бунда **Window Mode** командаси орқали электрон доска юзаси очилади, яъни чизма чизишга тайёр ҳолатга келади.

Электрон доскада икки қатор инструментлар панели мавжуд бўлиб, биринчи қатори шаклли командалардан иборат бўлиб, кейинги қатор эса ёзув орқали берилган командалардан иборат. Чизма геометрия фанидаги эпюрларни чизишда асосан биринчи қатордаги инструментлар панелидан фойдаланамиз.

Оддий қалам **Pen** шаклидаги команда орқали оддий доскада ишлагандек ишлашимиз мумкин, фақат тўғри чизиклар чизиш учун **Beeline** тўғри чизик командасидан фойдаланамиз. Доскадаги объектларни ўчириш учун **Eraser** ўчиргич командасидан фойдаланамиз. **Pen** орқали бажарилган ҳар қандай ёзув ва рақамларни босма шаклида ёки стандарт шаклида ёзиш учун **Text** командасига кирамиз, бу команда орқали хатто катта ҳажмли матнларни ҳам ёзиш мумкин.

Эпюрдаги чизикларни бир-биридан фарқлаш учун **Color** ранг бериш командаси орқали чизикларни ҳар хил рангда чизилади ёки чизикқа ҳар хил ранг берилади. Бу ўринда **Selects object** орқали чизикни белгилаб, ўчириш, узайтириш, қисқартириш, ранг бериш ва калинлигини ўзгартириш мумкин. **Color Spray** ранг бериш учун командаси эса юзаларга ёки сиртларга ранг беради. Масалан: **Color Spray + Color + объект** (юза).

**Geometrics** командаси орқали айлана ёки квадрат шаклларни чизиш мумкин, бошқа геометрик шаклларни чизиш учун **Draw** ёзувли командага кирилади, бу эса иккинчи қаторда жойлашган. **Move Page** объектларни, кўринишларни суриш учун ишлатилади.

Электрон тренажёрнинг энг муҳим жиҳатларидан бўлган чизмаларни қайта чизиб кўрсатиш қулайлиги **Rep lay Page** сақлаш ва қайта чизиб кўрсатиш командаси орқали бажарилади. Яна бир қулайлик шундан иборатки, бу жараёни секин ва тез қайта **чизиб** кўрсатиш мумкин. Чизмани қайта тузиш усулларида чизилаётган эпюрларни чизиклари бир бирини келтириб чиқаришини ҳисобга оладиган бўлсак, чизмадаги айрим чизикларни келиб чиқишини электрон досканинг ўзи керакли тезликда қайта чизиб кўрсатишини куйидагича амалга оширилади. Керакли мавзу ёки эпюр доска юзасига чақирилгандан кейин, досканинг ўнг томонида, ўртадаги тишли ғилдирак рамзи шаклидаги белгига кирилади ва ўқитувчи чизмани қандай чизган бўлса, шундай тезликда қайта чизилади. Тезликни ошириш учун делта ( $\Delta$ ) ёрдамида **2x,4x,8x,16x** белгилар орқали эпюрни зарурий қисмларини керакли тезликларда қайта чизиб кўрсатиш, дарсларимизни қизиқарли ва тушунарли бўлишига олиб

келади. Дарси самарадорлигини ошириш, талабаларнинг ўзлаштиришларини яхшилаш учун жараёни талабалар шахсий компьютерларида бевосита ўрганишлари мумкин.

Биринчи қатордаги шакли инструментлар панелида **New** янги юзани ҳосил қиладиган ёки **Open** янги юзани очадиган командалар мавжуд. **Save** сақлаш командаси орқали объектлар сақланса, **Delete** орқали объектларни ўчириб ташлаш мумкин. Доскадаги ҳолатни ўзгартириш учун, яъни **Undo** олдинги ҳолатга қайтиш, **Redo** кейинги ҳолатга қайтиш командаларидан фойдаланиш.

Юқорида келтирилган командаларни иккинчи қатордаги ёзувли командалар қаторидан топиб имкониятлари кенгайтирилган ҳолатда фойдаланиш мумкин:

**Draw + Insert Text + Ani50** орқали рақам ва ҳарфларни ўлчамлари ёки шаклини танлаб ёзилади. **Skin + Green Skin = Orange Skin = Blue Skin** чизмалар ичидан чизиқ ёки шаклларни кўриб ажратиш ва бошқа жойга жойлаштириш мумкин.

Электрон қаламни марказлаштириш нуқтаси орқали ишга туширилади ва янги саҳифадан чизмаларни чизиш мумкин. Иккинчи қатордаги инструментлар панелидан асосан чизма геометриянинг сиртлар, ортогонал проекциялар, перспектива ва соялар бўлимларида эпюрлар чизиш учун чамарали фойдаланилади. **File** командаси орқали кўйидаги хизматларни бажариш мумкин: чиқиш, кириш, экспорт қилиш, сақлаш, янгилаш ва бошқалар. **Edit** командаси: олдинги ҳолатга қайтиш, янгилаш, очиш, сақлаш, ўчирғич ва шунга ўхшаш командалар.

**Format Page Grit Show Grid** орқали доскада катак чизиқлар (сетка) ҳосил қилиш мумкин бўлса, **Grid Style** орқали сетка чизиқларини ўзгартириш ёки танлаш имконияти бор. **Next Page** чизма чизилган ҳолатда бутунлай чиқиб кетиш имкони бўлса, **Previous Page** орқали олдинги чизма (кўринишга) қайтиш мумкин, ёки **Insert Page** орқали янги саҳифа очиш мумкин.

Клавиатуранинг электрон кўриниши орқали доскага матнларни ёки рақамларни ёзишда фойдаланамиз. **Draw** тугмачаси орқали кўйидаги командаларга ўтиш мумкин: **Insert Text** рақам ва ҳарфларнинг турларини танлаш имконияти бўлса, уларни ранглари **Color Spray** орқали танлаш мумкин. Доскада чизиладиган кўпгина геометрик шаклларни **Geometrics** командаси орқали танласак, чизиқ турларининг кенг танлаш имконияти **Beeline** командаси орқали бажарилади. **Pen** орқали чизилган ҳар қандай чизиқ ва шаклларни **Geometrics Recognition** командаси орқали геометрик, яъни стандарт ҳолатда айлантириш мумкин. Ҳудди шунингдек **Pen** орқали кўлда ёзилган рақам ва ҳарфларни (матнларни) босма шаклга, яъни стандарт шаклга айлантиришда **Handwriting Recognition** командасидан фойдаланамиз. **Eraser** ўчирғични катта ва кичик турларини танлаш имконияти бўлса, **Stamp** орқали керакли жойга танлаб олинган белги ёки символ кўйилиши мумкин. **Texture Pen, Flat Pen, Brush Pen, Transparent Pen, Normal Pen**

командалари орқали чизиқнинг ҳар хил вазиятли чизилишини танлаш ва чизиш мумкин. Объектни ёки чизмаларни ичидаги айрим чизиқ ёки қисмларни танлаб олиб уларни белгилаш, ўчириш ёки бошқа жойга кўчириш учун **Multiple Select** командасидан фойдаланамиз. Зарур бўлса объектни ҳаммасини белгилаш, кўчириш ёки ўчириш учун **Select Object** командаси мавжуд.

Ўқув куролларининг электрон кўриниши ва улардаги бошқарув нуқталарни яхши ўзлаштириб, улардан самарали фойдаланиш мумкин. **Tool** тугмачаси орқали кўйидаги командаларга ўтилади: **Options** командаси орқали кўринишни параметрларини белгиланса, кўйидаги командалар орқали ўқув куролларининг электрон кўринишларини чақириш мумкин. **Compass**-циркуль, **Ruled**-чизғич, **Protractor**-транспортир, **Camera**-камера, **Soft Keyboard**-клавиатура, **Digital clock**-вақтни белгилаб (кўрсатиб) қўйиш. Вақт, кун, сана ва уларни сошлаш, дарс жараёнида талаба ҳам ўқитувчи ҳам вақтни тўғри тақсимлашига ёрдам беради. **Searchlight** командаси орқали доскадаги керакли жойни айнан кўзгуда кўргандай катталаштириб кўрсатиш, кенгайтириш, чизиш мумкин. Фақат овал кўзгу сифатида кўринадиган гўёки прожектор орқали ёритилгандек қолган қисмлар кўринмайди. **Magnifier** орқали

доскани хоҳлаган нуқтасини кўринишини бир неча баробар катталаштириш мумкин.

**Network** тугмачаси орқали **Create Server** ёки **Connect Server** командалари объектни қандай сақлаш мумкинлигини кўрсатади. **Skin** тугмачаси орқали **Green Skin**, **Orange Skin**, **Blue Skin** командалари чизмалар ичидан чизик ёки шаклларни кўриб ажратиши, белгилаши, бошқа жойга кўчириши ёки ўчириши мумкин.

**Help** тугмачаси орқали чизмани ёки доскадаги ўтилган дарсни топиш, беркитиш, қаерда сақлаш, орқага ёки олдига ўтказиш, принтерга юбориш ва шунга ўхшаш амалларни бажариш командаларига киради.

Доскадаги чизмаларни вақтинча парда билан тўсиб қўйиш, яъни **Serene Shade** командаси орқали парда чизмани фронтал ёки горизонтал қисмини тўсиб (кўринмайдиган қилиб), туриши ва орқага қайтиши мумкин. **Transparency** командаси орқали фақат қўлда **Pen** орқали чизилган чизикларни (стандарт шакллардан ташқари) ўчирилади. Чизик йўғонликларини танлаб қўйишда **Pen width** командасидан фойдаланиб, чизик чизишдан олдин чизик йўғонликлари танланади ва чизилади: **Pen + Pen width +чизик** йўғонлиги танланади ва доскага чизилади.

Электрон доскада эпюрларни чизиш ва жойлаштириш учун ўқув куролларидан ва инструментлар панелидан унумли фойдаланиш: тўғри чизикни чизишда ёки унинг турини танлашда, белгилашда **Line Style** командасидан фойдаланмиз. **Control Mode** командаси орқали объектларни ҳужжат сифатида сақланади. Доскада ишлатиладиган инструментлар панелини пастда ёки юқорида (кулай жойда) жойлаштириш учун **Lean on the Top↑** ёки **Lean on the Bottom↓** командасидан фойдаланамиз. Доскани тагидаги ёзув **Extend Page** орқали доскани чўзиш, яъни кейинги чизма учун жой очиш мумкин. Дарс сўнггида ўтилган мавзунини сақлаш учун **File** тугмачаси орқали **Export Image** ёки бошқа команда орқали дарсни керакли папкада сақланг ва кейинги дарсингизда уни очиб эпюрларни чизилишни қайта кўриб чиқиш (эшлаш) навбатдаги мавзунини тушунишга ёрдам беради. ва бошқалар. Айрим ўқув куролларини мм белгилари орқали ёки бошқа нуқталари орқали бошқариш мумкин. Бунинг учун электрон тренажёр имкониятларини пухта ўрганиб чиқиш лозим. Электрон доскада вақт кўрсаткичидан унумли фойдаланинг, бу ўқитувчи учун ҳам ўқувчи учун ҳам дарсни вақтга тақсимлаш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда дарсларни сифатли ва самарали ўтилишида янги йўналишлар ҳам, эртанги ёш мутахассисларни янги ахборот коммуникацияларини ўзлаштиришга, кейинги йилларда кутилаётган янги таълим технологияларини сирларини ўз вақтида ўзлаштиришларига тайёр бўлишлари ҳам бугунги куннинг ютуғи ҳисобланади.

### Адабиётлар

- [1] У.Абдуллаев. "Чизма геометрия ва чизмачилик асослари" Тошкент, 1999.
- [2] Х.Абидов. Тошкент Архитектура Қурилиш институтида турдош Олий таълим муассасалари Республика илмий семинардаги доклади. Тошкент, 2012. апрел.

УДК : 631.533

## ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА АГРОТЕХНИК ОМИЛЛАР ОРҚАЛИ ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТЎКИЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

О.О. Ибрагимов, Қ.А. Давронов

*Фарғона политехника институти  
(Қабул қилинди 26.01.2015 й.)*

*Ғўза парваришида қўшимча агротадбирлардан бири бўлган ғўзани баргидан озиқлантиришида фойдаланиладиган биостимуляторлар Альбит, Ўзгуми ва суюқ азотли ўғитлардан "САКЎ" (суюқ азот-кальцийли ўғити) каби ўғитларни қўлланилиши ҳосил элементларини тўкилишини олдини олишдаги аҳамияти ўрганилди.*

**Таянч сўзлар:** агротехник омиллар, ҳосил элементлари, тўкилиш, пахта ҳосилдорлиги, ўсиш ва ривожланиш, биостимуляторлар, Ўзгуми, Альбит, суюқ азотли ўғит, "САКЎ" (суюқ азот-кальцийли ўғит).

В статье рассматривается влияние агротехнических факторов с применением биостимуляторов, таких как Альбит, Узгуми, а также жидкого азотного удобрения "ЖАКУ" (жидкое азотно-кальцевое удобрение) на совершенствование мер способствующих предотвращению опадения плодоземелтов хлопчатника.

**Ключевые слова:** агротехнические факторы, элементы плодов, опадения, урожайность хлопчатника, рост и развитие, биостимуляторы, Узгуми, Альбит, жидкие азотные удобрения, "ЖАКУ" (жидкое азотно-кальцевое удобрение).

In the article the influence of agrotechnical factors is examined from application of biostimulants, such as Albite, Uzgumi and also liquid nitric fertilizer of "LACF" (liquid nitric calcium fertilizer) on perfection measures contributing prevention of falling cotton plant.

**Keywords:** agrotechnic factors, elements of garden-stuffs of cotton plant, falling of cotton plant, productivity of cotton plant, height and development of cotton plant, biostimulants, Albite, Uzgumi, liquid nitric fertilizers, "LACF" (liquid nitric calcium fertilizer).

Республикаимиз Президенти И.А. Каримовнинг “Дехқончилик таракқиёти фаровонлик манбаи” асарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кенгайтириш иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўлларида бири эканлиги алоҳида таъкидланган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида олимлар томонидан зироатлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг замонавий агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилиб, уларнинг энг мақбуллари ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигини пахтачилик соҳасида ғўза парваришида ўсишни соловчи моддалар ҳамда турли органик ва минерал ўғитларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиб, улардан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда юқори самарадорликка эришилган (Абдуалимов 2007, Тожиев 2007; Тиллабеков 2010, Ниязалиев 2011).

Ғўза ўсимлигини биологик ҳосил тўплаши бўйича шуғулланган олимлардан А.И. Имомалиев, М.В. Мухаммаджонов, Қ. Мирзажоновларнинг кўп йиллик илмий изланишларида ғўза ўсимлигининг катта ички имкониятлари мавжудлиги таъкидланган. Мисол учун "Гидропоника" шароитида ўстирилган ғўзадан 170-200 центнергача ҳосил олинганлиги маълум. Лекин, бугунги шароитда дала майдонларида бу кўрсаткич 24-30 центнер гектардан ошгани йўқ. Бундан кўриниб турибдики, пахта ҳосилдорлигини оширишда ҳали ечилмаган муаммолар мавжуд.

Кейинги йилларда янги турдаги биостимуляторлар ва суюқ азотли ўғитларни ишлаб чиқилиши натижасида уларни ғўза парваришида қўллашни пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатини оширишдаги самарасини ўрганиш, борасида илмий изланишлар олиб бориш ва уларни энг мақбул қўллаш тизимларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим муаммолардан биридир.

### Тажриба тизими

№	Тажриба вариантлари номи	Шоналаш даврида қўллаш меъёри
1	Назорат	-
2	Ўзгуми	0,3 л/га
3	Альбит	40 мл/га
4	Альбит	50 мл/га
5	Альбит	60 мл/га
6	Суспензия	карбамид 7,0 кг/га
7	"САКЎ"	20 л/га
8	"САКЎ"	25 л/га
9	"САКЎ"	30 л/га



Буларни инобатга олган ҳолда янги ишлаб чиқарилган биостимуляторлардан Ўзгуми, Альбит ва суюқ азот-кальцийли ўғит ("САКЎ") ларни Фарғона вилояти тупроқ иқлим шароитида ғўза парваришида кўшимча равишда кўллаш муддат ва меъёрларини ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосил тугунчаларини тўкилишини олдини олишидаги самарасини аниқлаш мақсадида илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказишни режалаштирилди.

Ушбу йўналиш бўйича Фарғона политехника институти ҳамда ПСУЕАИТИ Фарғона илмий тажриба станциясида 2014-2016 йилларга мўлжалланган ишчи дастурлар, иш режалари тузилиб, дастлабки илмий изланишлар, лаборатория ва дала тажрибаси таҳлиллари олиб борилди.

Лаборатория шароитида асосан, тажриба майдони тупроғининг ялпи азот, ҳаракатчан фосфор ва амашинувчи калий миқдорлари, ўсимликдаги NPK миқдорлари, фотосинтез соф маҳсулдорлиги каби кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Дала шароитида эса ғўза навларининг ўсиши ривожланиши ҳосил тугунчаларининг тўкилиши бўйича фенологик кузатувлар ўтказилди.

Тажрибада ҳар бир вариантлар 4 қаторли, қатор оралиғи 90 см, эни 3,6 м, бўйи 30 м, майдони 108 м<sup>2</sup> бўлиб, 3 қайтариқда жами 2916 м<sup>2</sup> майдонда жойлаштирилди.

Тажрибада кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ЎзПИТИ услубий қўлланмаси (2007) асосида олиб борилди. Шунингдек, биостимулятор ҳамда суюқ азотли ўғитларни ишлатиш даврида «Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» (Тошкент, 1994) дан фойдаланилди.

2014 йилда дала тажриба майдонида барча агротехник тадбирлар Фарғона илмий тажриба станцияси хўжалигида қабул қилинган агротехник куйидалар асосида олиб борилди.

Яъни, амал даврида 1 марта яғналаш, 2 марта чопик, 4 марта қатор орасига ишлов бериш, 3 марта суғориш, 3 марта озиклантириш, 2 марта кишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ва 1 марта ўрганилаётган биостимуляторлар ва суюқ азотли ўғитлар билан ишлов бериш тадбирлари ўтказилди.

Дала тажрибасида асосий қўлланилган ЎзГуми, Альбит биостимуляторлари ҳамда суюқ азотли "САКЎ" ўғитини ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири вариантлар бўйича ўсимликларда фенологик кузатувлар олиб бориш орқали кузатиб борилди.

Альбит биостимулятори ҳамда "САКЎ" ўғитини ғўзанинг шоналаш даврида қўллашнинг ўсимликнинг ҳосил тугунчаларини тўкилишига таъсири.  
(15-июл ҳамда 1 август 2014 йил).

№	Тажриба вариантлари номи	Ишлов бериш меъёри, л/га	Ўсимлик бўйи, см		Ҳосил шохи, дона		Шона сони, дона		Гул сони, дона		Кўсак сони, дона	
			15.07	1.08	15.07	1.08	15.07	1.08	15.07	1.08	15.07	1.08
1.	Назорат	-	71,8	81,4	12,2	13,2	10,1	2,2	2,2	1,2	3,3	10,5
2.	Ўзгуми	0,3 л/га	72,3	82,2	12,3	13,4	11,1	3,2	2,8	1,7	5,7	11,0
3.	Альбит	40 мл/га	73,3	85,5	12,3	14,2	12,7	2,9	2,7	1,6	5,7	11,4
4.	Альбит	50 мл/га	74,8	90,5	12,7	14,6	13,8	3,9	2,8	1,7	6,7	12,5
5.	Альбит	60 мл/га	76,1	89,7	12,5	14,1	12,8	3,8	2,6	1,6	5,8	12,2
6.	Суспензия	карбамид 7,0 кг/га	74,3	87,2	11,4	14,0	11,9	3,8	2,6	1,4	4,8	11,6
7.	САКЎ	20 л/га	70,8	79,7	11,6	14,0	13,1	2,9	2,7	1,1	5,7	11,0
8.	САКЎ	25 л/га	72,4	78,4	11,9	13,9	13,4	3,4	2,9	1,3	4,7	12,2
9.	САКЎ	30 л/га	77,5	88,6	12,4	15,1	14,3	3,8	3,1	1,9	4,8	12,7

Ғўзанинг шоналаш даврида баргидан Альбит, Ўзгуми биостимуляторлари ҳамда суюқ азот-кальцийли ("САКЎ") ўғити билан ишлов бериш ишлари 16 июн куни амалга оширилди.

Тажриба вариантларида белгиланган тартибда ЎзГуми препарати билан 0,3 л/га, Альбит препарати билан 40-50-60 мл/га, Суспензия (карбамид) 7 кг/га, "САКЎ" 20-25-30 л/га меъёрларда гектарига 300 литр сув ҳисобида ишчи эритма тайёрланиб сепилди.

Изланишлар давомида олиб борилган кузатувларда олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсимликни ҳосил тугунчаларини сақланишида унинг баргидан озиклантириш орқали жуда катта ижобий натижаларга эришилганлигини кўриш мумкин.

Бунда 15 июл ҳолатидаги кузатувларга эътибор берилганда ғўзадаги шоналар сони назорат вариантда 10,1 донани ташкил этган бўлса, Альбит биостимулятори ҳамда "САКЎ" ўғити қўлланилган вариантларда 11,1-14,3 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан шоналар сони 1,0-4,2 донага кўпроқ бўлганлиги аниқланди.

Кўсақлар сониди ҳам назоратда 3,3 дона бўлиб, Альбит биостимулятори ҳамда "САКЎ" ўғити қўлланилган вариантларда 4,8-5,7 донани ташкил этиб, яъни назоратга нисбатан 1,5-2,4 донага кўпроқ бўлганлиги аниқланди.

Ўсув даврининг кейинги кузатувларида (1.08) ҳам юқоридаги қонуниятлар сақланиб, тажриба вариантларида ғўзани бўйи 81,4-90,5 см, ҳосил шохлари 13,2-14,6 дона, кўсақлари 10,5-12,5 донани ташкил этди. Шоналаш даврида Альбит биостимулятори ҳамда "САКЎ" ўғити билан ишлов берилган вариантларда ғўзани бўйи назоратга нисбатан 4,1-9,1 см га баланд, ҳосил шохлари 1,0-1,4 донага, шоналар сони 1,4-1,5 донага, кўсақлар сони 1,4-2,2 донага кўпроқ бўлганлиги аниқланди.

Юқорида олинган таҳлиллар натижаларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ғўзанинг ҳосил тугунчаларини тўкилишини олдини олишда агротехник тадбирлар ичида қўшимча равишда ғўзани шоналаш даврида барги орқали ЎзГуми, Альбит биостимуляторлари ҳамда "САКЎ" суяқ азот-кальцийли ўғити билан озиклантириш натижасида юқори ҳосил олишга эришиш мумкин.

### Адабиётлар

- [1] Каримов И.А. "Дехқончилик тараққиёти - фаровонлик манбаи" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи. 1994.18 февр. - Т. Ўзбекистон, 1194. 72 б.
- [2] Абдуалимов Ш.Ҳ. Ғўзанинг униб чиқиш, ўсиш ва ривожланишини фаоллаштирувчи Оксигумат дорисини қўллаш натижалари. Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар Тошкент, 2004 йил, 112-115 б.
- [3] Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ. Тошкент, 2007, 147 б.
- [4] Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент, 1994, 102 б.

УДК 633. 51:632.7, 575.7 (575.1)

### МУМ КУЯСИ ҚУРТИНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ЯНГИ ТЕЖАМҚОР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Д.Ў. Эрматова

*Фаргона политехника институти  
(Қабул қилинди 23.03.2015 й.)*

*Браконлар кўпайтириши учун ишлатиладиган мум куяси қуртини етиштиришнинг янги арзон ва самарали усули ишлаб чиқилган.*

**Таянч сўзлар:** бракон, мум куяси қурти, биотехнологик усул, ғўза даласи.

*Разработан новый эффективный способ получения червей от пчелиного воска для откармливания браконов.*

**Ключевые слова:** бракон, черви от темного воска, биотехнологический способ, площадь хлопчатника.

*A new effective method of getting worms from beeswax for bracons feeding up is worked out.*

**Keywords:** bracon, worms from beeswax, biotechnical method, cottonplants' square.

Мамлакатимизда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлашган тизими яратилган бўлиб, унда биологик усулнинг ўрни салмоқлидир [1-4]. Бу усулда фойдали хашоротлар

ҳисобланган трихограмма, олтинкўз ва браконлардан кенг фойдаланилади.

Биолаборатория шароитида уларни кўпайтириш учун одатда шакар, буғдой уни, ёғли сут каби киши озикланиши учун ҳам зарур бўлган озик-овқат маҳсулотлари кўп миқдорда талаб этилади.

Асалари мум ҳашароти асаларичилик соҳасида жиддий зараркунанда ҳисобланади. Бирок, кўсак қуртига қарши қўлланиладиган бракон паразити айнан шу зараркунанда - асалари мум куяси қуртларидан фойдаланиб кўпайтирилади. Асалари мум куяси қурти Ўзбекистон табиий иқлим шароитида 3-4 марта авлод берса, лаборатория шароитида ундан 7-9 марта авлод олишга эришиш мумкин. Ҳозирги пайтда бракон кўпайтириш учун асалари мум куясини лаборатория шароитида кўпайтиришнинг янги соддалаштирилган технологияси тажриба синовидан ўтказилмоқда. Бу технологиянинг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

кам ҳаражат ва кам меҳнат талаб этилади; мум куяси қуртлари янги турдаги озукани иштаҳа билан ейди, натижада бир хил ёшдаги қуртларни етиштириш имконияти вужудга келади; 80-85% намликдаги ноқулай меҳнат шароитида лаборантлар ишлашдан ҳоли бўладилар. Амалдаги технологик усулга кўра хоналарга сув сепилиб, сунъий намлик ҳосил қилинар эди. Янги усулда эса хоналарга махсус сув сепилмайди, қуртлар учун тайёрланган овқат 90 % намликка эга бўлганлиги сабабли, қуртларнинг ривожланиши учун намлик етарли бўлади. Мум куясини кўпайтириш учун озукадан ташқари ҳарорат ва намлик талаб этилган меъёр бўйича ташкиллаштирилади. Одатда, ҳарорат 30-35 °С, намлик 80-85 % бўлиши лозим.

Мум куяси қуртларини кўпайтиришда ҳарорат муҳим аҳамиятга эгадир, чунки керакли ҳарорат бўлмаса қуртларнинг ривожланиш даври чўзилиб кетади. Мум куясини ёппасига кўпайтириш учун дастлабки она 3 литрли шиша банкаларда кўпайтирилади. Бунинг учун тоза банкаларга асалари уясидан (мервадан) 25 граммдан ва 10 донадан олма қоқи солинади.

Мерва ва олма қоқини ишлатишдан аввал ҳар хил каналарга қарши стерилланади, масалан, 5 минут қайноқ сувда тутиб турилади ва қуритилади. Мерва ва олма қоқи солинган банкаларга 100 донадан тўйиб овқатланган катта қуртлар солинади ва банканинг оғзи табиий тоза материал билан ёпилади. Озикланиб тўйган қуртлар банка ичида ғумбакка айланади ва 7-8 кундан кейин мум куяси капалаклари учиб чиқади. Капалаклар 2-3 кунда уруғланади. Мум куяси капалаклари 8-9 кун атрофида яшайди. Ҳаёти давомида 200-300 тагача тухум кўяди. Тухумлардан 4-6 кунда майда личинкалар чиқа бошлайди. Бу личинкалар махсус озукка билан боқилади. Озукалар банкадаги қуртлар учун ва ваннадаги қуртлар учун алоҳида-алоҳида тайёрланади ва стерилланади.

Янги технология бўйича озукка тайёрланганида банкадаги қуртлар учун ҳам, ваннадаги қуртлар учун ҳам озукка тайёрлаш тежамкорликка асосланади.

**№ 1 Озука тайёрлаш** (банкадаги қуртлар учун): 1) 4 литр ёғсиз сутга 3 кг мерва солиб қайнатилади. Мерва сутдан олиниб, қуёшда қуритилади. Қолган сут ваннадаги қуртларга овқат тайёрлаш учун ишлатилади. Мерва қуригандан сўнг уқаланиб, ҳар бир банкадаги қуртлар учун 100-150 граммдан солинади. Банкадаги қуртлар ҳар куни диққат билан кузатиб турилади, озукаси тугамаслиги назорат қилиб борилади. Қуртлар йириклаша бошлаганидан кейин ванналарга тўкилади ва улар учун № 2 овқат тайёрланади.

**№ 2 Озука тайёрлаш** (ваннадаги қуртлар учун): 1) 4 л ёғсиз сут, 2) 0,5 кг мерва, 3) 5 кг маккажўхори уни, 4) 2 кг оқшоқ ёки макарон. Юқоридаги маҳсулотлар аввал яхшилаб аралаштириб олинади. Кейин 1 соат давомида қайнатилади. Озука тайёр бўлганида бўтқага ўхшаш масса ҳосил бўлиши керак. Озука тайёрлаш давомида ниҳоятда ҳушёр бўлиб, тагига олмаслиги учун кавлаб турилади. Акс ҳолда ваннадаги қуртлар бу овқатни емайди. Агар овқат пишириш давомида қўйилиб қолса, сув қуйиб суйилтирилиб турилади. Тайёр бўлган овқат совитилиб, ваннадаги қуртларга ҳар 15 см га бир ош қошиқдан кунига бир марта берилади.



## КРАТКИЕ СООБЩЕНИЯ

Янги усул билан куртлар боқилганида улар овқат атрофига ғуж-ғуж бўлиб тўпланиб олади, бу ҳолат эса куртларни теришни осонлаштиради. Эски усул билан куртларга кунига 2 марта овқат бериш керак бўларди ва 2 марта териб олинар эди. Янги усулда эса куртларга кунига бир маҳал овқат берилади ва бир марта терилади. Янги усул билан асалари мум куяси куртларини ванналарда боқишда ҳар 25 кунда ваннадаги овқат қолдиқлари ва курт чиқиндилари олиб ташланади, ванналар тозалаб ювилади. Эски усул билан курт етиштирилганда ҳар 30 кунда ванналар тозаланари ва қайтадан ишга туширилади. Мум куяси куртининг табиий озукаси мерва бўлганлиги учун янги биотехнологик усулда мерва кўп ишлатилади. Мум куясидан кўпроқ тухум, курт олиш учун улар юмшоқ, калорияли озукалар билан боқилса, ёғ захираси кўп бўлади ва куртлар йирик-йирик бўлиб ғумбакка айланади, натижада, она капалак кўпроқ учиб чиқади. Габрабракон кўпайтириш учун ҳам худди шундай озуккага тўйган курт ишлатилади. Агар берилаётган озукалар қаттиқ, калорияси кам бўлса, куртлар тўла етилмайди, майда бўлиб қолади, натижада бундай куртлардан чиққан капалаклар оз тухум кўяди. Бракон кўпайтиришга ишлатилса ҳам шу ҳолат юз беради.

### 1 000 000 дона бракон ишлаб чиқариш учун озукка рецептини таққослаш:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Амалдаги усул			Янги технология			Фойда (сўм)
			миқдори	харид нархи (сўм)	Жами баҳоси (сўм)	миқдори	харид нархи	Жами баҳоси (сўм)	
1	Маккажўхори уни	кг	138	2000	276000	138	2000	276000	-
2	Буғдой уни	кг	70	1000	70000	-	-	-	70000
3	Шакар	кг	80	3000	240000	-	-	-	240000
4	Мерва	кг	20	4000	80000	60	4000	240000	-160000
5	Мева қоқи	кг	52	800	41600	52	800	41600	-
6	Хамиртуруш	гр	600		7200	-	-	-	7200
7	Маргарин	кг	15	3000	45000	-	-	-	45000
8	Ёғли сут	литр	30	2000	60000		-		-
9	Ёғсиз сут	литр	-	-	-	60	1000	60000	-
10	Оқшоқ ёки макарон	кг	30	2000	60000	30	2000	60000	-
	Жами сумма				879800			677600	
	Иқтисод қилинган сумма								202200

Янги соддалаштирилган озукка рецепти Фарғона вилояти Учкўприк тумани ”Солижонобод” биолобораторияси ва Риштон тумани ”Мирза Махмуд ота” биолобораторияларида фойдаланилди ҳамда мутахассисларнинг ижобий хулосалари билан маъқулланди. Янги соддалаштирилган озукка рецептининг афзалликлари куйидаги жадвалда келтирилган:

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, янги усул билан мум куяси боқилганда буғдой, шакар, хамиртуруш, маргарин фойдаланилмайди, ёғли сут ўрнига ёғсиз сут ишлатилади, натижада озик-овқат маҳсулотлари тежаллади. Бундан ташқари лаборантлар иш фаолиятида ҳам кам меҳнат сарфланади. Тажриба олиб борилган ”Мирза Махмуд ота” номли биолобораторияда 2014 йил мавсумида жами 4 500 000 дона бракон ғўза даласига тарқатилди ва янги соддалаштирилган усул туфайли 1000 000 сўмга яқин иқтисод қилинди.



Агар мерва, маккажўхори, окшоқ, ёғсиз сут хўжаликнинг ўз имкониятлари асосида етиштирилса, иқтисодий самарадорлик 51 % гача ўсиши мумкинлиги аниқланди.

Шундай қилиб, кўсак қуртига қарши тежамкор биотехнологик усулда кўпайтирилган мум қуяси ҳашоротидан фойдаланиб, браконлар тайёрлаш пахта ҳосилдорлигини оширишда арзон ва кам меҳнат талаб этадиган, ишончли биотехнологик усул сифатида тавсия этилиши мақсадга мувофиқдир.

### Адабиётлар

- [1] Насритдинов. К. Ғўзанинг касалликлари ва зараркунундаларига қарши кураш. Тошкент. “Меҳнат”, 1989. 92-бет.
- [2] Хўжаев. Ш.Т. Ўсимликларни зараркунундалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари. Тошкент, “NAVROZ” 2014. 541-бет.
- [3] Хўжаев. Ш.Т. Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя тизими ва унинг таркибидаги биологик усулнинг тузилиши ва моҳияти. Тошкент, 2013. 100-бет.
- [4] Назаров М., Мирзажонов К., Ибрагимов О., Исаев С. Дехқончиликнинг тежамкор технологиялари. Тошкент, 2014. 180-бет.

**ЖОРЕС ИВАНОВИЧ АЛФЕРОВ**

(к 85-летию со дня рождения)

Лауреат Нобелевской премии, академик Алферов Ж.И. родился 15 марта 1930 года в городе Витебске Белоруссии. Его родители, Иван Карпович и Анна Владимировна - белорус и еврейка, сами происходили из местечка Чашники Витебской области.



В 1950 году третьекуртник Ленинградского электротехнического института (ЛЭТИ) Алферов Ж.И., специализировавшийся на электровакуумной технике, стал работать в вакуумной лаборатории профессора Б.П. Козырева. Его научным руководителем стала Н.Н. Созина - специалист по полупроводниковым фотоприемникам в инфракрасной области спектра, благодаря которой он занялся экспериментальным исследованием полупроводников. Под руководством Н.Н. Созиной студент Алферов Ж.И. выполнил дипломную работу, посвященную получению пленок и исследованию фотопроводимости теллурида висмута (BiTe), но в декабре 1952 года во время распределения студентов своей кафедре в ЛЭТИ он предпочел Ленинградский физико-технический институт (ЛФТИ). Физтехом более тридцати лет руководил его основатель Абрам Федорович Иоффе, чья монография "Основные представления современной физики" была настольной книгой для Алферова Ж.И.

В ЛФТИ Алферов Ж.И. стал младшим научным сотрудником в лаборатории В.М. Тучкевича и принимал участие в разработке первых отечественных транзисторов и силовых германиевых приборов. В конце 1940-х годов американские ученые создали первый точечный транзистор и транзистор с p-n-переходами, продемонстрировав возможность использования транзисторного эффекта. В ноябре 1952 года американцы опубликовали сообщение о способе промышленного производства транзисторов, а уже 5 марта 1953 года Алферов Ж.И. сделал первый, надежно работающий транзистор.

В 1963 году Алферов Ж.И. начал изучение полупроводниковых гетеропереходов, а в 1966 году сформулировал новые общие принципы управления электронными и световыми потоками в гетероструктурах (электронное и оптическое ограничения и особенности инжекции). В 1967 году ученый совет ЛФТИ избрал Алферова Ж.И. заведующим сектором. Начиная с 1968 года сотрудники Физтеха стали успешно конкурировать со своими зарубежными коллегами, прежде всего учеными из трех лабораторий крупнейших американских фирм - Bell Telephone, IBM и RCA. В 1968-1969 годах были практически реализованы все основные идеи управления электронными и световыми потоками в классических гетероструктурах на основе системы арсенид галлия - арсенид алюминия (GaAs-AlAs): односторонняя эффективная инжекция, эффект "сверхинжекции", диагональное туннелирование, электронное и оптическое ограничения в двойной гетероструктуре. Практически реализовались основные преимущества использования гетероструктур в полупроводниковых приборах - лазерах, светодиодах, солнечных батареях, диодах и транзисторах.

В 1970 году Алферов Ж.И. защитил диссертацию, обобщив новый этап исследований гетеропереходов в полупроводниках, и получил степень доктора физико-математических наук. По мнению экспертов, благодаря Алферова Ж.И. фактически было создано новое научное направление - физика гетероструктур, электроника и оптоэлектроника на их основе. Появлением лазерной "иголки" в проигрывателях компакт-дисков мы обязаны первому полупроводниковому лазеру, работавшему при комнатной температуре, который создали в Физтехе в том же 1970 году. Впоследствии компоненты, основанные на гетероструктурах, стали использоваться во многих современных устройствах: светодиодах и волоконно-оптических линиях связи, мобильных телефонах и солнечных батареях. В 1971 году Алферов Ж.И. был удостоен своей первой международной награды - медали Баллантайна, учрежден-



ной Франклиновским институтом в Филадельфии для награждения за лучшие работы в области физики и получившей название "малой Нобелевской премии". До него из советских ученых эту награду получил лишь академик Петр Капица (1944), а после - академики Николай Боголюбов (1974) и Андрей Сахаров (1981). В 1979 году он был избран академиком РАН. В 1984 году его наградили Государственной премией РАН за разработку "изопериодических гетероструктур на основе четверных твердых растворов полупроводниковых соединений  $A_3B_5$ ". В 1990 году Алферов Ж.И. стал вице-президентом РАН и председателем президиума Ленинградского научного центра (позже - вице-президентом РАН и председателем президиума Санкт-Петербургского научного центра).

С начала 1990-х годов Алферов Ж.И. занимался исследованием свойств наноструктур пониженной размерности: квантовых проволок и квантовых точек. В 1993-1994 годах им и его коллегами впервые в мире были созданы гетеролазеры на основе структур с квантовыми точками - "искусственными атомами", а в 1995 году был продемонстрирован инжекционный гетеролазер на квантовых точках, работавший в непрерывном режиме при комнатной температуре. Исследования Алферова Ж.И. заложили основы принципиально новой электроники на основе гетероструктур с очень широким диапазоном применения, получившей название "зонная инженерия". Были разработаны технологии нового поколения квантоворазмерных лазеров на короткопериодных сверхрешетках с рекордно низкой величиной пороговой плотности тока; созданы концепции получения полупроводниковых наноструктур с размерным квантованием в двух и трех измерениях; осуществлена демонстрация уникальных физических свойств структур на основе квантовых точек, созданы на их базе инжекционные лазеры. По мнению экспертов, эти исследования, к примеру, приведут к появлению нового поколения техники, которая при своих сверхмалых размерах сможет передавать значительно больший объем информации.

10 октября 2000 года стало известно, что Алферову Ж.И. будет вручена Нобелевская премия по физике. Саму премию он получил ровно через месяц, разделив ее с двумя другими физиками - Кремером и Джеком Килби. Причем Алферов Ж.И. и Кремер были удостоены Нобелевской премии за развитие полупроводниковых гетероструктур для высокоскоростной оптоэлектроники, а Килби - за основополагающий вклад в создание интегральных схем. В 2001 году Алферов Ж.И. стал лауреатом Государственной премии РФ. Алферов Ж.И. создал собственную научную школу: среди его учеников более сорока кандидатов и десяти докторов наук, а также два член-корреспондента РАН.

В январе 2008 года Алферов Ж.И. был назначен руководителем секцией нанотехнологий в отделении нанотехнологий и информационных технологий РАН. В 2009 году возглавляемый им Санкт-Петербургский физико-технологический научно-образовательный центр РАН получил новое название, став Санкт-Петербургским академическим университетом - научно-образовательным центром нанотехнологий РАН, Алферов Ж.И. стал ректором университета.

Алферов Ж.И. стал почетным доктором многих университетов, а также почетным членом многих российских и иностранных академий. Он единственный из российских ученых, кто был избран иностранным членом Академии наук США ("за гетероструктуры") и иностранным членом Национальной инженерной академии наук США ("за развитие принципов теории и технологии гетероструктур"). В 2001 году в честь Алферова Ж.И. была названа малая планета (астероид).

В Республике Узбекистан более десятки известные ученые-физики являются воспитанниками ЛФТИ, среди которых имеются непосредственные ученики Алферова Ж.И. (профессора Саидов А.С., Рахимов Н., Арипов Х.К.) и собеседовавшие с ним по работе (академики Расулов У.Х., Мамадолимов А.Т. и профессора Султанов Н.А., Расулов Р.Я., Юлдашев Н.Х.).

Редакция НТЖ поздравляет академика Жореса Ивановича Алферова со знаменательным юбилеем и желает ему долгих лет жизни на благо физической науки!

1. “Фарғона политехника институти Илмий – техника журнали” (“Научно – технический журнал ФерПИ”, “Scientific – Technical Journal FerPI”) саҳифаларида фундаментал ва техника фанлари соҳасида янги илмий натижаларга эга бўлган ва 50 % дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар қуйидаги бўлимлар бўйича чоп этилади: **физика-математика фанлари; механика; қурилиш; энергетика, электротехника, электрон қурилмалар ва ахборот технологиялари; кимёвий технология ва экология; ижтимоий-иқтисодий фанлар; қисқа хабарлар.**

2. Мақола стандарт А4 ўлчамдаги оқ қоғознинг бир томонида чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқоридан ва пастдан 20 мм кенгликда жой қолдириб, **Times New Roman** шрифтида, **12 pt** ўлчамда, қаторлар ораси **бир оралиқ** билан ёзилади ва икки нусхада тақдим қилинади. Мақолалар ҳажми чизмаларсиз **саккиз саҳифадан**, қисқа хабарлар эса **уч саҳифадан** ошмаслиги ва иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатиб имзо чекишлари лозим.

3. Мақолага қуйидагилар илова қилинади: иш бажарилган **ташкilot йўлланмаси**; ўзбекча, русча ва инглизча **аннотациялар** (бир хил мазмунда ва 5-6 қатордан ошмаслиги зарур), **таянч сўзлар, мақола номлари; эксперт хулосаси; муаллифлар тўғрисида маълумот** (иш жойи, лавозими, телефони, e-mail). Муаллифлар орасида фан доктори бўлмаган тақдирда, шу соҳа ихтисослиги бўйича **фан докторининг тавсияси** тақдим этилади.

4. Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар стандарт қоидаларга риоя қилинган ҳолда 10×10 см дан катта бўлмаган ўлчамда тайёрланиши, ёзувлар имкони борича сонлар ёки ҳарфлар кўринишида берилиши ва улар мақола саҳифасида ёки чизмага иловада тушунтирилиши лозим. Мақолада чизмалар сони **4 тагача**, қисқа хабарларда эса **2 тагача** рухсат этилади.

5. Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт (китоблар учун) йили, журнал номери, саҳифа (журнал учун). Мақола саҳифаларида адабиётларга илова рақам билан тартибли равишда квадрат қавс ичида (масалан [7] кўринишида) берилади.

6. Мақолани тайёрлашга ўта синчковлик ва ўткир диққат билан ёндошиш тавсия этилади. У илмий ва грамматик жиҳатдан юқори даражада талабчанлик билан илмий мақола мақомида таҳрирланган бўлиши лозим: саёз мазмундаги, ғализ ва узундан-узоқ жумлаларни ишлатмаслик; мақоланинг илмий йўналишига, шу куннинг ечилмаган ва долзарб муаммоларига баҳо берилиши; ишнинг асосий мақсади, қўйиладиган масалалар ва уларни ечиш услублари, олинган янги илмий натижалар ва уларнинг таҳлили ҳамда аниқ хулосалар қатъий кетма-кетликда раво тилда баён қилиниши лозим.

7. Таҳририят зарурат бўлганда тақдим этилган мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга. Улар сўзсиз таҳририят аъзоларига ёки бошқа тегишли мутахассисларга тақризга берилади.

8. Агар мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб мақола таҳририятга тушган ҳисобланади.

Журнални чоп этишда doc. MS Word 97 (2003) таҳририда ишловчи дастурлардан фойдаланилади. Мақолаларини ўз вақтида чоп этилишини истаган муаллифлар таҳририятга ана шу дастурдан фойдаланган ҳолда компьютерда терилган электрон вариантини тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

*Кўрсатилган қоидалар асосида тайёрланмаган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди.*

1. На страницах «Научно-технического журнала ФерПИ» публикуются статьи и краткие сообщения в области фундаментальных и технических наук, содержащие новые или более 50 % ранее не опубликованные научные результаты, на узбекском, русском или английском языках по следующим разделам: **фундаментальные науки; механика; строительство; энергетика, электротехника, электронные устройства и информационные технологии; химическая технология и экология; социально-экономические науки; краткие сообщения.**

2. Статья представляется в двух экземплярах на белой бумаге стандартного формата А4 с полями: слева 30 мм, сверху и внизу по 20 мм, справа 1,5 мм; шрифт Times New Roman 12 pt, междустрочное расстояние один интервал. Общий объем статьи не должен превышать восьми страниц, не считая рисунков, кратких сообщений же не более трёх страниц. Второй экземпляр статьи представляется с подписями всех авторов.

3. К статье прилагаются: **направление учреждения**, в котором выполнена работа; **экспертное заключение** (для авторов из Республики Узбекистан); на узбекском, русском и английском языках **аннотация** (из 5-6 строк одинакового содержания), **ключевые слова, название статьи; сведения об авторах** (место работы, должность, телефон, e-mail). В случае отсутствия среди авторов доктора наук представляется рекомендация доктора наук в области этой специальности.

4. Для написания формул в тексте необходимо пользоваться редактором Word Math Type. Формулы нумеруются в сквозном порядке. Для обозначения физических, математических и химических величин, включая индексы, применяются исключительно латинские и греческие буквы. Нельзя обозначать различные величины одной и той же буквой. Подготовленные рисунки и диаграммы должны соответствовать стандартным требованиям и не превышать размеры более чем 10x10 см, надписи, индексы или буквенные обозначения, желательно указать и пояснить на страницах статьи или в приложениях к рисункам.

5. Список литературы представляется в конце статьи в следующем порядке: Ф.И.О. авторов, название книги (журнала), год издания (для книг), номер журнала, страницы (для журналов). На страницах статьи ссылки на цитируемую литературу представляются в порядке упоминания арабской цифрой в квадратных скобках, например: [1].

6. Внимательно относитесь к стилю своей статьи, который должен отвечать требованиям высокой степени редактирования, как в отношении научности, так и грамматики. Избегайте длинных фраз поверхностного содержания. Для лучшего восприятия большой статьи читателями рекомендуется разбить текст на разделы: например, 1. Введение, 2. Методика эксперимента, 3. Экспериментальные результаты, 4. Заключение. Следует обязательно указать основную цель работы, постановку задач, актуальность и современность проблемы, методы и способы решения, полученные новые научные результаты и их анализ, а также конкретные выводы.

7. Представленные в редакцию статьи направляются для рецензирования членам редакции или другим соответствующим специалистам. Определяются, соответствует ли статья тематике журнала, есть ли в ней четко сформулированные новые научные результаты, достаточно ли надёжно обоснованы выводы, понятно ли изложен материал. При необходимости статья может быть отредактирована.

8. В случае возврата статьи авторам для доработки срок её поступления в редакцию, считается со дня поступления последнего её варианта.

При печати материалов журнала применяется текстовый редактор doc.MS Word 97 (2003). Для своевременного опубликования статьи, авторам необходимо представить электронный вариант статьи, набранный на компьютере с использованием указанной программы.

*Статьи, не оформленные согласно вышеуказанным правилам, редакцией не принимаются.*

## INFORMATION TO THE AUTHORS !

---

1. On pages “Scientific – Technical Journal Fer.PI” are published articles and short messages in the field of the fundamental and technical science, containing new or more than 50% earlier not published scientific results, in Uzbek, Russian or English languages according to the following sections: fundamental sciences; mechanics; construction; power, electrical equipment, electronic devices and information technologies; chemical technology and ecology; social and economic sciences; short messages.

2. Article is submitted in duplicate on white paper of the standard A4 format with fields: at the left 30 mm, above and below on 20 mm, on the right 1,5 mm; Times New Roman 12 pt font, interlinear distance one interval. The total amount of article shouldn't exceed eight pages, apart from drawings, the short messages, no more than three pages. The second copy of article is submitted with signatures of all authors.

3. To article are applied: the direction of establishment in which work is performed; the expert opinion (for authors from the Republic of Uzbekistan); in Uzbek, Russian and English languages the summary (from 5-6 lines of the identical contents), key words, article name; data on authors (work place, position, phone, e-mail). In case of absence among authors of the doctor of science the recommendation of the doctor of science in the field of this specialty is submitted.

4. For writing of formulas in the text the Word Math Type editors need to use. Formulas are numbered in a through order. For designation of physical, mathematical and chemical quantities, including indexes, exclusively Latin and Greek letters are applied. It is impossible to designate various sizes the same letter the Prepared drawings and charts have to conform to standard requirements and not exceed the sizes more than 10x10 cm, inscriptions, indexes or alphabetic references, it is desirable to specify and explain on pages of article or in annexes to drawings.

5. The list of references is submitted at the end of article in the following order: First name, middle initial, last name authors, the name of the book (journal), year of the edition (for books), the issue of the journal, pages (for Journal). On pages of article of the link to quoted literature are represented as a mention in the Arab figure in square brackets, for example: [1].

6. You show consideration for style of the article which has to meet the requirements of high extent of editing as concerning scientific character, and grammar. Avoid long phrases of the superficial contents. For the best perception of big article readers recommend to break the text into sections: for example, 1. Introduction, 2. Experiment technique, 3. Experimental results, 4. Conclusion. It is necessary to specify surely a main objective of work, statement of tasks, relevance and the present of a problem, methods and ways of the decision, the received new scientific results and their analysis, and also concrete conclusions.

7. Articles presented to edition go for reviewing to members of edition or other corresponding experts. Are defined, whether there corresponds article to journal subject, whether there are accurately formulated new scientific results in it, whether it is enough reliably valid conclusions, whether the material is clearly stated. If necessary article can be edited.

8. In case of article return to authors for completion, the term of its receipt in edition, is considered from the date of receipt of its last option.

At the press of materials of the journal the text editor of doc.MS Word 97 (2003) is applied. For timely publication of article, authors need to present the electronic version of article gathered on the computer with use of the specified program.

*The Articles, not executed according to said rule, editing do not be taken.*

ФарПИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ  
ТАҲРИРИЯТИ:

Нашр учун масъул  
Масъул муҳаррир  
Мусахҳих  
Мусахҳих  
Компьютерда саҳифаловчи

А. Хайдаров  
Н.Х. Юлдашев  
Д.Х. Мамажонова  
А.Ш. Нигматуллина  
С.Э. Йўлдашева

Таҳририят манзили:  
150107. Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86 уй.  
Телефон: 241-12-06.  
Факс: 241-12-06.

Бизнинг сайт: <http://www.ferpi.uz>  
E-mail: [jurnal@ferpi.uz](mailto:jurnal@ferpi.uz)  
ФарПИ таҳририят-ноширлик бўлими

Ўзбекистон республикаси матбуот ва ахборот агентлиги  
Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси  
томонидан 2007 йил 22 февралда № 12-064  
рақами билан рўйхатга олинган

---

Босишга рухсат этилди: 25.04.2015 й.  
Бичими: А4. Гарнитура Times New Roman.  
Босма табоғи: 15,25. Адади 100 нусха. Буюртма № 3.  
Баҳоси шартнома асосида.  
«Dadaxon Nur Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Фарғона шаҳар Б.Марғилоний кўчаси 62-уй.  
Лиц: №22-2891 21.11.2012 йил.





**ISSN 2181-7200. Научно-технический журнал ФерПИ. 2015. Том 19. № 1**